

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Кўканбаева Наргиза Шералиевна

«ТУРЛИ СЕМАНТИК ГУРУХГА КИРУВЧИ ФРАЗЕОЛОГИК
БИРИКМАЛАР ВА УЛАРНИ ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМА
ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ»

(Ўзбек, рус ва инглиз тиллари мисолида)

5A220101-Адабиётшунослик (инглиз адабиёти)

Магистрлик даражасини олиш учун ёзилган диссертация

Илмий раҳбар:

филология фанлари номзоди М.Собиров

Наманган-2010

«ТУРЛИ СЕМАНТИК ГУРУХГА КИРУВЧИ ФРАЗЕОЛОГИК БИРИКМАЛАР ВА
УЛАРНИ ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМА ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ»
(Ўзбек, рус ва инглиз тиллари мисолида)

РЕЖА:

Кириш

**I БОБ ТУРЛИ СЕМАНТИК ГУРУХГА КИРУВЧИ ФРАЗЕОЛОГИЗМ-
ЛАРНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛИ**

I.1. Лингвистикада фразеология тушунчаси, муаммоси ва масаланинг
ўрганилиш тарихи

I.2. Фразеологик бирикмаларни таржима қилиш муаммолари.

I. 3. Фразеологик бирикмалар таснифи.

Биринчи боб бўйича хулосалар

**II БОБ. ТУРЛИ СЕМАНТИК ГУРУХГА МАНСУБ ТИЛЛАРДА
ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ТАРКИБИ ВА УЛАРНИ ТАРЖИМА ҚИЛИШ
МУАММОЛАРИ.**

II.1. Фразеологик бирикмани эквивалент ёрдамида таржима қилиш.

II.2. Фразеологик бирикмани муқобил ва муқобил вариант ёрдамида
таржима қилиш.

II.3. Фразеологик бирикмани калька усули орқали таржима қилиш
масалалари.

II.4. Фразеологизмлар (мақол, матал, идиомалар) ва афоризмлар
таржимаси муаммолари.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР.

SUMMARY

Фойдаланилган адабиётлар

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг илк кунларидан бошлаб мамлакатимизда ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртимизда қабул қилинган “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ва “Таълим тўғрисида”ги қонунда хорижий мутахассислар билан рақобат қила оладиган салоҳиятли кадрлар тайёрлаш асосий вазифа қилиб белгиланган.

Ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол шахс бўлиб етишлари учун таълим-тарбияга янгича ёндашиш, уни ёшлар онгига сингдиришда янгича услуб, шакл, воситалардан фойдаланиш тақозо этилмоқда. Шундай улкан вазифани амалга оширишда таълим-тарбия жараёнида фаолият кўрсатиб келаётган педагог мутахассисларнинг ўз вазифаларига ташаббус ва ижодкорлик билан ёндашиши талаб этилади.

Ўзбекистон тараққиётида халқнинг бой маънавий салоҳияти ва умуминсоний кадриятларга ҳамда ҳозирги замон маданияти, иқтисодиёти, илми, техникаси, технологиясининг сўнгги ютуқларига асосланган мукаммал таълим тизимини барпо этиш долзарб аҳамиятга эга.

Таълимдаги янгиланиш, асосан, “Давлат таълим стандартлари”ни ишлаб чиқишнигина амалга оширмай, балки таълим жараёни орқали талабани ўз келажагини ёрқин тасаввур қила оладиган, бу борада ўз тақдири ва ўз шахсига онгли муносабатда бўлиб, турли фаолиятларда ўз-ўзини ривожлантира оладиган эркин, фаол ва мустақил шахсни шакллантиришни кўзда тутди.

Мамлакатимиз тараққиётининг муҳим шартларидан бири кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ўзгартириш, таълим жараёнининг ҳамма босқичларида, узлуксиз таълим тизими таълим муассасаларининг ҳамма шакл ва турларида илғор методик таълимга, замонавий илмий ютуқларга ҳамда ижтимоий тажрибаларга таянган ҳолда амалга оширилади. Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими

орқали ҳар томонлама ривожланган шахс-фуқарони шакллантиришни кўзда тутди.

Азал-азалдан бир-бирига қардош қариндош, дўст, биродар бўлиб келган халқларимиз, ота-боболаримиз тил ўрганишган, ўзаро маданиятлар айирбошлашган. Халқларнинг маънавий тарафдан бир-бирларини бойитишлари эвазига цивилизация қарор топган. Бинобарин, санъат асарлари, адабиёт намуналари, буюк даҳоларнинг илғор қарашлари, кишиларнинг эркинлиги, тенглиги ғояларни тарқатувчилар саналмиш таржимонларнинг роли бебаҳодир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг хорижий тилларни жадал ўргатиш ижтимоий эҳтиёжга айланди ва давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Маълумки, жаҳон халқлари эришган бой фан-техника ютуқларидан баҳраманд бўлиш учун хорижий тилларни ўрганиш зарурдир, чунки илмий-техникавий ахборотлар тил орқали ўзлаштирилади.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Муҳокама қилинаётган мавзунинг долзарблигини турли семантик гуруҳга мансуб тилларда (айни диссертацияда ўзбек, рус ва инглиз тиллари) фразеологизмларнинг таркиби, уларнинг типологияси, лексик бирикиши, жумла ва синтактик қурилмалари, бўлак турлардан ўз ички унсурларининг, асосан, экспрессив-эмоционал хусусиятлари билан тафоввуд қилувчи лисоний (лингвистик) ҳамда таржимавий-типологик талқини ва таржима қилиш муаммоларининг ўрганилишини талаб этилишида, шунингдек, ҳозиргача икки тилда (ўзбек-инглиз ва инглиз-ўзбек) фразеологизмларнинг мукамал луғати яратилмаганлигида, қиёсий-типологик тадқиқотлар етарлича олиб борилмаганлигида кўришимиз мумкин.

Фразеология – тил дурдонаси ҳисобланади. Фразеологизмлар(мақол, матал ва идиомалар)да халқнинг тарихи, турмуши ва маданиятининг ўзига хосликлари акс этади. Шунингдек, фразеологизмларда халқнинг ёрқин

миллий хусусиятлари мужассам бўлади, улар чуқур ва бой маънога эга бўлиши билан бир қаторда, нутққа алоҳида кўрк, тароват бағишлайди. Дунёда фразеологизмлар мавжуд бўлмаган тилнинг ўзи йўқ.

Фразеология – ўта мураккаб ҳодиса, уни ўрганиш ўзига хос услубни тақозо этади, шунингдек, бошқа бир қатор тилшунослик фанлари – лексикология, грамматика, стилистика, фонетика, тарих, мантиқ ва мамлакатшунослик фанлари маълумотларига таянган ҳолда ўрганишни талаб этади. Фразеологиянинг баъзи муаммолари бўйича мутахассисларнинг фикрлари турлича. Бинобарин, фразеология соҳасида илмий иш олиб борувчи тадқиқотчиларнинг олдида турган вазифалардан бири – мавжуд назарий ва амалий фикрларни умумлаштириб, тўғри илмий-тадқиқотни амалга оширишдан иборатдир.

Фразеология ва унинг масалалари борасида изланишлар олиб борган Ғ. Т. Саломов, В. В. Виноградов, Е. Д. Поливанов, Б. А. Ларин, А. В. Кунин, Н. М. Шанский, Л. П. Смит ва Ш. Баллиларнинг мазкур соҳанинг тараққиётида хизматлари каттадир.

Тадқиқотнинг мақсади таркиби рангга оид ибораларда фразеологик бирикмаларни адекват таржима қилиш усуллари аниқлаш ва таҳлил қилишдир. Ўзбек-инглиз ва инглиз-ўзбек тилларидаги фразеологизмларнинг таржимавий-типологик талқини асосида таржима қилишда оригинал нусхадаги фразеологизмни аниқ таржима тилида бериш, шунингдек, айрим ҳолларда фразеологизмларнинг таржимасида рус тили орқали инглиз тилидан ўзбек тилига ўгиришни кўрсатади. Қолаверса, фразеологияни мустақил фан сифатида лексикологиядан ажратган ҳолда ўрганишни таклиф этади.

Тадқиқотнинг асосий вазифалари:

1. Асл нусхадаги фразеологизмни таржима тилига ўгирилаётганда бирикма компонентларининг лексик боғланишини таъминлаш;

2. Асл нусхадан таржима тилига ўгирилаётган фразеологик бирикманинг эмоционал-экспрессив бўёқдорлигини, оҳангдорлигини, образлилик хусусиятларини сақлаш;

3. Фразеологизмни таржима қилиш жараёнида синхронликни беришнинг иложи бўлмаганда, билвосита, яъни оригинал тилга яқин бўлган учинчи тил орқали (инглиз – рус – ўзбек) таржиманинг мукамаллигига эришиш;

4. Таржима усуллари кийсий-услубий ва типологик аспектда таҳлил этиш;

5. Ўзбек-инглиз ва инглиз-ўзбек фразеологизмларининг таржимавий-типологик луғат захираси асосини яратиш;

6. Фразеологизмларни беришда шунчаки луғатлар чоғиштирмасидан иборат лексик-грамматик тавсиф эмас, балки структуравий-семантик муқобиллигига эришиш;

7. Мақол, матал ва идеомаларни бир-биридан фарқлашга эришиш.

Ушбу магистрлик диссертациясида турли бадий асарлардан олинган мақол, матал, идеомалар, қочирик, пичинг гаплар, иборалар, хусусан, луғавий бирликлар, айрим фразеологик луғатлар **тадқиқот объекти** сифатида танланди.

Тадқиқотнинг предмети фразеологизмнинг оригинал тилдан таржима тилига асл маъносини сақлаган ҳолда таржима қилиш, бирикмалар бирикишида семантик (маъновий) уйғунлик ва мантиқ мувофиқлигига эришиш.

Мақол, матал ва идиомалар таржимасида ҳукм сурадиган: 1) асл нусхадаги фразеологизмга таржима тилидан тенг қийматли эквивалент қидириб топиш; 2) асар ўгирилаётган тилдан монанд муқобил вариант топиб қўйиш; 3) фразеологизмни айнан, сўзма-сўз яъни калька усули орқали таржима қилиш, уч принципи асосида аниқ таржимага эришилиши ҳамда мақол, матал ва идиомалар ва уларни бир-биридан фарқлашга эришилиши **тадқиқот муаммосининг ечилганлик даражаси** сифатида баҳолаш мумкин.

Тадқиқот методлари. Фразеологизм компонентлари семантик яхлитлик жиҳатидан таснифланди ва мисоллар асосида кўрсатиб берилди. Фразеологизмлар таржимаси амалиётида ҳукм сурувчи уч принцип орқали ҳамда мавжуд фразеологик луғатлардан фойдаланиш асосида билвосита таржима, яъни оригинал тилга яқин бўлган учинчи тил орқали аниқ таржимага эришилди.

Тадқиқоднинг илмий янгилиги. Фразеологик бирикмалар бир қатор мисоллар асосида таснифланди. Таркиби рангга оид элементлардан иборат бўлган фразеологик бирикмаларни адекват таржима қилишнинг уч принципи билвосита (рус тили) таржимаси орқали амалга оширилди. Асосий таҳлил методикаси факт ва далилларни қиёсий-типологик ва услубий текширилди. Мақол, матал ва идиомалар ҳамда уларнинг фарқи кўрсатиб берилди. Фразеологияни лексикологиядан мустақил фан сифатида ажратиб ўрганиш таклиф этилди.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти. Олиб борилган тадқиқот натижаси хулосалари ва материалларидан фразеологизмларни қиёсий-типологик ўрганишда ва уларнинг умумий назарияси ва методикасини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Мазкур тадқиқот фразеологизмлар ва уларни оригинал тилдан таржима тилига ўгириш муаммолари ҳақида тушунча ва кўникмалар яратади, шунингдек, фразеология ва қиёсий лексикология фанларидан амалий машғулотлар учун материал сифатида қўл келади. Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса фразеология ва лексикология, шунингдек, таржима назарияси ва амалиёти фанларидан амалий машғулотлар учун манба сифатида услубий қўлланмалар ва китоблар ёзишда ҳамда лексикографиядан ўзбек-инглиз ва инглиз-ўзбек фразеологик луғатларини тузишда кўришимиз мумкин.

Диссертациянинг тузилиши ва таркиби Тадқиқот кириш, икки боб, боб, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати каби қисмлардан иборат.

Тадқиқотнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, тадқиқотдан кўзда тутилган мақсад ва вазифалар, объект ва предмети, назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот методлари, илмий янгилиги каби масалалар ёритиб берилган.

Биринчи боб “Турли семантик гуруҳга кирувчи фразеологизмларнинг лингвистик таҳлили” деб номланиб, унда тилшуносликда фразеология тушунчаси, масалани ўзбек ва хорижий тилшунос ва таржимашуносларнинг илмий изланишлари ёритилган. Фразеологик бирикмалар тасниф қилинган ҳамда уларни таржима амалиётида қатор мушкулотлари таҳлил этилган.

Иккинчи бобда “Турли семантик гуруҳга мансуб тилларда фразеологизмлар таркиби ва уларни таржима қилиш муаммолари” ўрганилган. Унда фразеологизмлар таржимасида уч принцип ҳамда таркиби рангга оид элементлардан иборат фразеологик бирикмаларнинг таржималари мисоллар асосида кўрилган. Шунингдек, мақол, матал ва идеомалар ва уларнинг бир-биридан фарқи, таржималари мисоллар асосида таҳлил этилган.

Диссертациянинг хулосалар қисмида тадқиқотда ўрганилган ва тадқиқ қилинган фикрлар умумлаштирилган, таҳлил этилган ва умумий хулосалар баён этилган. Тадқиқот давомида ўрганилган барча лингвистик, методик адабиётлар фойдаланилган адабиётлар қисмида муайян кетма-кетликда берилган.

Таржима – лисоний, адабий эстетик ҳодиса, сўз санъати демакдир, таржимон эса ижодкордир.

Таржиманинг бош ҳоссаси унинг бошқа тил воситалари билан *қайта яратиш*дан иборат ижодий жараён, сўз санъати эканлигидадир. Масалан, балет ҳам санъат, аммо сўз санъати эмас, у ерда умуман нутқ иштирок этмайди ҳам. Авторнинг муддаоси, асарнинг ғояси, балеринанинг маҳорати – булар ҳаммаси мусиқа, рақс, ҳаракатлар билан ифода этилади. Тасвирий санъатнинг асосий қуроли бўёқ, санъаткорнинг дастури – мўйқаламдир. Бинобарин, балет, тасвирий санъат обидаси, мусиқа асари, ҳайкалтарошлик намунаси ва ҳоказоларни бир тилдан бошқа тилларга «таржима қилиш» ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Сўзнинг фикрни ифодалаш хусусияти, таъсир қувватига асосланган санъат соҳасигагина таржимани татбиқ этиш мумкин.

Бадиий таржима – бадиий ижод соҳасидир. Чунки таржиманинг бўлак соҳаларидан фарқли ўлароқ, бадиий таржиманинг ўз хусусиятлари мавжуд. Бу хусусиятлар бадиий адабиётнинг табиатидан келиб чиқади. Чунончи, агар фанда асосий омил далил, таҳлил, жадвал бўлса, бадиий асарда образ, тасвир ва ҳикоя қилинаётган воқеанинг таъсирчанлиги муҳим роль ўйнайди. Ҳудди шу омиллар бадиий таржима учун ҳам муқаррардир.

Таржима қилиш учун нечта сўзни билиш керак?

«*Человек сажает дерево*». Бу гапни таржима қилиш учун учта сўзнинг ўзбекча муқобилларини билиш кифоя: «*Одам дарахт ўтқазяпти*». Бироқ гап баҳорда иш дарахт новдаларини кўчириб ўтқазиш ҳақида бораётган бўлса, *дарахт* ўрнига *ниҳол* сўзини қўллаган маъқул: «*Одам ниҳол ўтқазяпти*». Горькийнинг «*Человек звучит гордо!*» ҳикматли гапини ҳам «*Одам (ёки*

киши) мағрур жаранглар!» деб бўлмайди. Бу ўринда *человек* сўзини *инсон* деб олишга ва жумла таркибига «ташқаридан» бир сўз «қўшиш»га тўғри келади: *«Инсон сўзи мағрур жаранглар!»*

Атиги учта сўздан ташкил топган биринчи гапда бир сўз (*дерево*) унинг муқобили бўлган *дарахт* сўзининг синоними *ниҳол* билан ўзгартирилди, учта сўздан иборат иккинчи гапда эса бир сўз унинг бошқа синоними билан алмаштирилиб, яна бир сўз «қўшилди». Бошқача айтганда, гапнинг тузилиши тахминан 50 фоиз ўзгартирилди. Мана энди ўнлаб сўзлардан иборат катта гаплар, ўнлаб гаплардан тузилган абзацлар, минглаб абзацларни ўз ичига олган боблар, бутун бошлиқ асарларни ўз тилида қайта яратиш учун таржимондан қанақа лингвистик кашфиётлар талаб этилишини кўз олдингизга келтириб кўринг.

Энг содда ва енгил ёзилган кичкина китобчани ўзбек тилига ўгириш учун тахминан 3500-4000 та сўзни билиш талаб этилади (миқдорий луғат асосида тилда энг кўп ишлатиладиган сўзлар назарда тутилади). Л.Н. Толстойнинг «Анна Каренина» романини ўзбек тилига ёки Алишер Навоийнинг «Лисонут-тайр» достонини рус тилига ағдариш учун таржимон қанча сўз билиши керак? Бу таржималарда қўлланилган сўзларнинг сони ҳисоблаб чиқилгани йўқ ва бунинг ҳисобига етиш ҳам амри маҳол. Таржима миқдорий тушунча, ҳисоб-китоб иши эмас, балки сифат муаммосидир. Бундан ташқари, «Лисонут-тайр»даги аллақанча сўзларни ҳозирги рус таржимони тугул, кўпчилик ўзбек китобхонларининг ўзлари ҳам «таржимасиз» тушунмайдилар.

Шундай экан, таржима қилиш учун сўзнинг муайян луғавий маъноларини (*человек* – одам, *дерево* – дарахт, *вода* – сув каби) билишнинг ўзигина кифоя қилмайди. Бунинг учун сўзнинг айна шу контекст ичидаги сифати, эскирганлик, янгилик, мажозийлик, ҳурматлаш, эъзозлаш, пардалаш, пичинг, ғазаб, ҳақорат ва ҳоказо маъноларини билмоқ, сўнгра ўзбек тилидан ўша кўрсаткичга мувофиқ келадиганини топа олмоқ керак. Бунинг учун эса тилни фақат «билиш»гина эмас, уни туйиш ҳис қила олиш лозим.

Таржима қилинаётган асарнинг жанр хусусиятларини ҳисобга олиш, тарихийлик, миллийлик, бадиийлик, услуб қийинчиликларини ҳам бунинг устига жамланса, ўшандагина сўз санъатининг бу тури ҳақида муайян тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Таржимада икки халқ ва икки тил, икки дид ва икки моддий-маънавий ҳаёт, икки миллий санъат ва адабиёт, икки давр ва икки адиб ўртасидаги бир-бирига чирмашиб кетган муносабатларнинг ўзига хос кўринишини ҳам ҳисобга олинса, ана ўшандагина инсоният қўлидаги бу ажойиб воситанинг мазмуни тўла аён бўлади.

Ҳар бир таржима асари – ўз даврининг маҳсулидир. Айтайлик, юз йил олдин муайян бир бадиий асарнинг ўзбек тилига қилинган таржимаси билан унинг кейинги даврларда бунёд этилган таржималари бир-бири билан қиёсланса, бундан турли даврларда яшаган таржимонларнинг асар муаллифини тушуниш даражаси, уларнинг маҳорати ўртасида кўзга яққол ташланадиган тафовутнигина эмас, балки адабий тилнинг турли даврларда ҳар хил камолот даражасида бўлганлигини ҳам кўриш мумкин.

Ягона жаҳон таржима харитаси йўқ. Ҳамма миллатлар ўз имконияти тақозосига кўра, ўзига хос эътиқод билан ҳамда ўзи истаганча таржима қилади. Масалан, ўзбек ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» комедияси грек тилига оригинал тили – ўзбекчадан эмас, балки французча таржимадан ағдарилган. Немис шоири Гётенинг «Фауст» трагедияси бўлса қозоқ тилига – немисча оригинал нусхасидан, ўзбек тилига – русча таржимадан ўгирилган. Шу тариқа «кўп босичли», «поғонадор» таржималар пайдо бўлади. Шубҳасиз, бу таржималар нисбатан бирмунча чекланган бўлади. Зотан, агар бадиий асар – объектив воқеликнинг инъикоси бўлса (0-1), унинг бошқа тилга таржимаси – инъикоснинг инъикосидир (0-2), таржима орқали юзага келган таржима эса инъикос инъикосининг акс этишидир (0-3). Юқорида кўриб ўтилган мисол Абдулла Қаҳҳор комедиясининг юноний таржимаси «тўртинчи даражали» инъикос бўлиб қолган. Турган гапки, бу хил таржималарда занжир узайган сари оригинал (асл нусха)да камомат кўпайиб бораверади – асарда акс этган миллий ўзига хослик ҳамда унинг шираси,

маъноси, тил бойлиги, муаллифнинг ҳикоя қилишдаги такрорланмас услуби ва бўлак шу каби бебаҳо фазилатлар пайдар-пай ғойиб бўла боради, китобда тасвирланган воқеаларни «маҳаллий шароитлар»га «мослаштириш» ҳоллари юз беради. Баъзан айрим ўзига хос миллий унсунлар англаб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетади (чунончи, ўзбекча «сўри» Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» қиссасининг немисча таржимасила «темир йўл»га айланиб қолгани сингари¹).

Таржимада бадиий асар оҳангини бериш барча адабий жанрларда ҳам муҳим. Алоҳида олинган мақол ёки маталдан тортиб то сонет, ғазал, поэма, ҳикоя, романгача, агар ҳамоҳанглик таъминланмаган бўлса, у таржима сохта жаранглайди. Оҳанг эса, ўз навбатида, бадиий асарнинг бошқа компонентлари, луғавий бирлик, синтаксис, инверсия, сажъ, радиф, қофия, вазн ва бошқалар билан боғланган ҳолда, таржимада ё табиийлик ёки аксинча, сохтакорлик, сунъий контекст, ясама бадиий муҳим пайдо бўлишига олиб келади.

Таржимон ўзи ўгираётган китоб матни ичра чегаралангандир. Ташқарига чиқолмайди, автор илгари сурган ғояни давом эттиролмайди, худди шунингдек, асарни қисқартиришга ҳам унинг ҳадди сиғмайди. Қисқаси, таржимон мавжуд нарсани фақат таржима қилади. Лекин таржима даргоҳи бу қадар чегараланган бўлишига қарамай, у сўз санъати демакдир. Бунинг боиси шуки, таржимон тил соҳасида ижод қилади. Тилнинг асосий қурилиш материали эса сўздир.

Асл нусха билан таржима тили бевосита бир-бирига тенг эмас. Икки тилнинг лисоний имкониятлари бир-бирига «эквивалентлик» ҳолатида бўлмайди. Шу сабабдан кўр-кўрона таржима қилиш мумкин эмас. Сўзларнинг аниқ мазмуни билан лексик имкониятлари, эстетик сифатлари ўзаро бир-бирининг ўрнини қоплай олмайди. Шунинг учун ҳам матннинг тили қанчалик сермаъно, бадиий тарафдан сержило бўлса, таржима шунчалик қийинлашади.

¹ K.A. Kachar. Sekretar Said, Berlin, 1961. S. 31.

Бадий адабиёт учун ғоятда муҳим бўлган кўрсаткичлар – бадийлик, образ ва образлилик, мажоз ва мажозийлик – барчаси сўз замирида яширинган, сўзда ўз ифодасини топади ва сўз орқали реаллашади. Бинобарин, сўз танлаш бадий таржимада бирламчи аҳамиятга эга.

Бироқ масаланинг бошқа томони ҳам бор.

Бадий таржимада асосий гап алоҳида олинган бирон сўз ёки жумлани таржимон қандай ўтирганидагина эмас. Қолаверса, ҳар бир таржиманинг кадр-қиммати унда айрим унсурларнинг нечук берилгани билан ўлчанмайди. Бадий таржимада баҳолаш мезони талқиндир. Уни қайта яратиш жараёни эса уч босқичда амалга ошади.

1. Асл нусха (оригинал)ни таржимон қандай қабул қилиши (тушуниши);
2. Асарнинг ғояси, авторнинг мақсад-муддаоси ва унинг ўзига хос услубини қандай талқин қилиши;
3. Сўз санъати намунасини ўз она тилида қайта тиклашда муқобил восита, тадбир ва тадорик топа олиши.

Бадий асарни ўтиришда асосий омил оригинал луғатини таржимачи – тилнинг муқобил (эквивалент) луғати билан алмаштириш эмас, балки муаллифнинг ўзлиги, асар концепцияси, айти асарда акс этган сўз санъатини қайта ифодалай олишдан иборат.

Таржимада айрим олинган ҳар бир ҳолатга қандай сўз ёки жумла жоизлигини «луғавий эквивалентлик» эмас, табиий мувофиқлик, яъни тасвирланаётган характернинг «мижози»га маъно, услуб, оҳанг томондан контекстуал мослик ҳал қилади. Сўзни-сўз билан ўтиришга одатланган таржимон муқаррар панд ейди. Бадий таржиманинг илмий тавсифлаш энг қийин бўлган ҳоссаси шундаки, бунда сўзни-сўз билан эмас, балки маънони-маъно, оҳангни-оҳанг, образни-образ, юморни-юмор билан бериш муҳим аҳамиятга эгадир.

« - Ты чья такая? – уставился на нее Тарас.

- Антона Лукича дочка ... Луиза, - бойко ответила Лизка.

- Брысь, паскуда! – гаркнул Тарас»¹.

Борис Горбатовнинг «Бўйсунмаганлар» қиссасидан олинган қисқа диалогда Тараснинг бу қадар жаҳлини чиқарган нарса нима? Бу – талаффуздир. Фашистлар зулмидан аламзада бўлиб, тарс ёрилай деб юрган Тарас жабрдийда халқининг қаттол душманига номусини сотган рус кизи Лиза ўзини немисчасига «Луиза» деб таништирганида, чол уни жаҳл билан «паскуда» деб ҳақорат қилади. Бу сўз шум, қабих, пасткаш, ифлос маъноларини беради. Бироқ Н.Алимуҳаммедов таржимасида чолни мазкур «эквивалент»ларнинг биронтаси ҳам қаноатлантирмайди, у «Луиза»га юзланиб, бутун қаҳр-ғазабини қарғиш аралаш тўкиб солади: йўқол, дийдоринг кўрсин, жувонмарг!² Кейинги таржимада эса (Ш.Саъдулла) «паскуда» - ярамас сўзи билан алмаштирилгани номинал луғавий талабга жавоб берса-да, чолнинг алфозига сира мос келмайди.

Таржиманинг тилга боғлиқлик даражаси автор ва асарнинг характериға вобаста:автор савияси ва асар сифати қанчалик юксак бўлса, таржима шунчалик қийин бўлади. Сэпир барча авторларда ҳам тил билан тафаккур бир-бири билан бирдай маҳкам боғланган бўлавермайди, деб кўрсатади. “Ҳамонки ҳар бир тил ўзига хос хусусиятларга эга экан ҳар бир адабиётнинг табиий шаклий чегараланганлиги ҳамда имониятлари бошқа адабиётларникига мос келмайди. Она тили образига ҳамда унга монанд ҳолда яратилган адабиёт ўз нусхасининг бўёғи ва тахлитига эга бўлади”.³

Таржимани мевали дарахт ниҳолига қиёс қилса бўлади. Чунончи, бир заминда ўсиб турган ниҳол бошқа ерга ўтқазилганда кўкариб, мева беради. Жаҳон адабиёти дурдоналари ҳам таржима туфайли бир тилдан бошқа тилга кўчирилганда, ўша тилнинг эгаси бўлган халқнинг миллий онгини ўстиришда, янгича эстетик дид пайдо қилишда, дунёқарашни тарбиялашда фаол роль ўйнайди.

¹ Б.Горбатов. Избранное. М., 1955, с. 440.

² Б.Горбатов. Бўйсунмаганлар. Тошкент, 1946, 16-бет.

³ E. Sapir. Language (Тил) New York, 1921, p. 237-239.

Таржима тарбиявий, маърифий ва дониший (билим) аҳамиятига эга. Оригинал адабиёт орқали, асосан, ўз халқимизнинг ўтмиши, ҳозирги ва келажак ҳаёти, тарихий турмуш шароитларини ўргансак, бадиий таржима асарлари орқали бошқа халқларнинг ҳаёти, уларнинг орзу-интилишлари, иқтисодий турмуш шароитларининг бадиий инъикоси билан танишамиз. Ҳар иккаласи: оригинал адабиёт ҳам, таржима адабиёти ҳам баб-баравар аҳамиятга эга, улар изма-из, қўлтиқма-қўлтиқ баравар ривожланади, бирини иккинчисидан устун қўйиш мумкин эмас.

1-БОБ. ФРАЗЕОЛОГИЯ ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Фразеология юнонча *phrasis*-сўзидан олинган бўлиб *ибора*, *нутқ обороти*, *билим*, *тушунча*, *logos-фан*, *таълимот* маъноларини англатади. Фразеология икки турга бўлинади:

1. Бирор тилга хос барқарор сўз бирикма-иборалар мажмуи;
2. Тилшуносликнинг бирор тилга хос барқарор сўз бирикмалари ва ибораларни ўрганувчи бўлими.

Фразеологизмларнинг пайдо бўлиши инсон тафаккури билан тилнинг лексик имкониятлари ўртасидаги номутаносибликларни камайтиришга хизмат қилади.

Фразеология – тил дурдонасидир. Бунда халқнинг тарихи, турмуши ва маданиятининг ўзига хосликлари акс этади. Фразеологизмларда халқнинг ёрқин миллий хусусиятлари мужассам бўлади. Инглиз фразеологияси бой ва унинг тарихи узоқ. Бунда соф инглиз фразеологизмлар қаторида четдан қабул қилинган, яъни интернационал фразеологизмлар ҳам талайгина.

Фразеологизмлар чуқур ва бой маънога эга бўлиши билан бир қаторда нутққа алоҳида кўрк, тароват бағишлайди, аммо уни фақатгина тилга «безак» ёки, аксинча, «ортиқча» деб эскирган қараш билан қараб бўлмайди. Дунёда ибораларсиз тилнинг ўзи йўқ, хусусан инглиз фразеологияси ҳам жуда бой ва ўзининг кўп асрлик тарихига эга.

Фразеология – ўта мураккаб ҳодиса ва уни ўрганиш ўзига хос услубни тақозо этади, шунингдек, бошқа бир қатор лексикология, грамматика, стилистика, фонетика, тарих, мантиқ ва мамлакатшунослик каби фанлар маълумотларига мурожаат қилган ҳолда ўрганишни талаб этади.

Фразеологиянинг баъзи муамолари бўйича мутахассисларнинг фикрлари турлича. Бинобарин, фразеология соҳасида илмий иш олиб борувчи тилшуносларнинг олдида турган вазифалардан бири – мавжуд

фикрларни умумлаштириб, уларни бирлаштириб ягона тўғри фикрни излаб топишдан иборатдир.

Инглиз ва Америка лингвистикасида фразеология назариясига оид илмий ишлар салмоғи кўп эмас. Мавжуд тадқиқотларда¹ ҳам фразеологизмларни ажратишнинг илмий исботланган мезонлари, фразеологик бирикма ва сўз нисбати, фразеологизмларнинг тузилиши, уларнинг вариантлилиги, таркибланиши ва умуман фразеологизмларни ўрганиш услуби каби фундаментал масалаларга етарли ўрин берилмаган.

Шарль Балли *phraseologie*² атамасини «стилистиканинг сўз бирикмаларини ўрганувчи бўлими» маъносида киритди, аммо мазкур атама Ғарбий Европа ва америкалик лингвистларнинг асарларида бошқа уч маъноларда ўз аксини топди:

1. сўз танлаш, ифода шакли, таърифлаш (формулировка);
2. тил, бўғин, услуб;
3. ифода, сўз бирикмаси.

Хусусан, *phraseology* сўзининг маъносини инглиз ва американча луғатлардаги ифодаси орқали кўришимиз мумкин.³

Англия ва АҚШда фразеология масалаларида (мақол, идиомалар) асосан семантика ва грамматикага оид тадқиқотларда, шунингдек, фразеологик луғатларнинг сўз бошида учрайди. Сўз бирикмаларининг идиоматик тузилишига оид бир қатор мақолалар мавжуд. Мақоллар борасида эса аксинча, уларга бағишланган илмий ишлар талайгина. Бу соҳада ҳатто махсус журнал «*Proverbium*» (1965 – 1975 йй.) нашр этилган. Ушбу журнал чоп этилишининг сабаби, паремиологиянинг (мақолларни ўрганувчи соҳа)

¹ Смит Л. П. Фразеология английского языка. Пер. с англ. А. Р. Игнатъева. – М., 1959.

² Bally, CA. *Precis de stylistique*. – Geneve, 1905. Bally, Ch. *Traite de stylistique française*. – Heidelberg, 1909. *Brewer's Dictionary of Phrase and Fable*. – London, 1971.

³ *The choice or arrangement of words and phrases in the expression of ideas; manner or style of expression; the particular form of speech or diction which characterises a writer, literary production, language, etc. (The Oxford English Dictionary. Oxford, 1933, Vol. VII).*

Choice of words; wording (Hornby A.S. The Oxford Advanced Learner's Dictionary of Current English. London, 1974).

Manner of using and arranging words (Longman Modern English Dictionary. London, 1976).

фольклёр – халқ оғзаки ижодининг таркибий қисми нуқтаи назаридан қаралганлигидадир.

Фразеологияга мустақил фан, фан соҳаси сифатида қарашни биринчи бўлиб машҳур рус тилшуноси Е. Д. Поливанов олға сурди ва бу масалага кўп марталаб қайтди¹. Унинг таъкидлашича, лексика – сўзларнинг ўзига хос луғавий маъносини ўрганади, морфология сўзларнинг шаклий тузилишини, синтаксис эса сўз бирикмаларининг шаклий маъносини ўрганади.²

“Шундай экан, алоҳида бўлимга эҳтиёж туғилиб, синтаксисга яқин, лекин айти пайтда сўз бирикмаларининг умумий маъносини эмас, балки алоҳида бирикмаларнинг ўзига хос маъносини ўрганувчи, худди лексика алоҳида сўзнинг маъносини ўргангани каби бўлим яратиш зарур. Тилшуносликнинг бу бўлимини мен фразеология деб атаман. Ушбу маънони англатувчи бошқа атама ҳам таклиф этиш мумкин - «идиоматика»”.³

Е.Д.Поливановнинг айтишича, келажак лингвистик адабиётида бошқа бир қатор масалалар ўртасида бизнинг фанимизга енгил-елпи ёндашишдан ҳоли бўлгач, бу бўлим фанда барқарор ва жиддий ўрнига эга бўлади.⁴

Е.Д.Поливановдан сўнг ушбу масалага мурожаат этган олим Б.А.Ларин бўлди. Б.А.Ларин, фразеология тадқиқот объекти сифатида ҳали ўзининг «яширин ривожланиш» даражасида эканлиги ва бу борада жиддий изланишлар олиб борилмагани, шунингдек, уни лексикография, стилистика ва синтаксис материалларидан ажратган ҳолда ўрганиш талаб этилаётганини айтади.

Шунингдек фразеологиянинг тилшуносликнинг бир бўлими сифатида шаклланишда яна бир рус тилшуноси В.В. Виноградовнинг изланишлари ҳам етакчи роль ўйнади.

¹ Поливанов Е.Д. Русский язык сегодняшнего дня. – М. –Л., 1928 (б). – Кн. 4. –С.144.

² Востоков А.Х. Русская грамматика по начертанию его же сокращенной грамматики. – СПб. – 1835. – С. 219.

³ Поливанов Е.Д. Русский язык сегодняшнего дня. – М. –Л., 1928 (б). – Кн. 4. –С.144.

⁴ Поливанов Е.Д. Введение в языкознание для востоковедных вузов. –Л., 1928. –С. 61.

Ҳозирги кунда фразеология лексикологиянинг бир бўлими даражасидан ўзининг тадқиқот объекти ва услубига эга бўлган тилшуносликнинг мустақил фанларидан бирига айланди.

Фразеология фани тарих, адабиётшунослик, лисоний мамлакатшунослик ва тилшуносликнинг бир қатор бошқа фанлари лексикология, семантика, грамматика, фонетика, стилистика, тил тарихи, этимология, матн тилшунослиги ва умумий тилшунослик каби фанлар билан боғлиқ.

Фразеология сўзлардан таркиб топади, сўз эса лексикология ўрганадиган асосий объект ҳисобланади. Лексикология манбаларига асосланиб фразеология компонентларининг табиатини ҳамда уларнинг лисоний даражасини аниқлаш мумкин. Семантикада ишлаб чиқилган сўзнинг луғавий маъноси назарияси фразеологиянинг лисоний хусусиятини аниқлашда ва фразеология таркибидаги маъносини фарқлашга ёрдам беради.

Фразеология таркибидаги сўз ҳамма вақт ҳам ўзининг морфологик хусусиятларини йўқотиб қўймайди, айнан морфология бу соҳада нима йўқолиб - сақланиб қолганини аниқлашда ёрдам беради.

Фразеология таркибига турли хил тузилишга эга бўлган сўз ва сўз бирикмалари, шу жумладан иборали гаплар киради, айнан шу ибораларнинг грамматик хусусиятларини ўрганиш учун бизга синтаксис борасидаги билимлар қўл келади. Фразеология таркибидаги сўз муайян фонетик қиёфага эга бўлади, аммо ривожланиш жараёнида бу қиёфа ўзгариши мумкин. Мана шу ҳолатларни аниқлаш учун эса, албатта, фонетикага мурожаат қилинади фразеологизмларнинг, айниқса, идиоматизм ва идиофразеоматизмларнинг стилистик қуввати кучли, уларнинг маъносида коннотатив (луғавий) аспект юқори бўлади. Фразеологиянинг стилистик хусусиятларини ўрганувчи фразеологик стилистика, албатта, лексик стилистикага суянади. Тил тарихи ва этимологияга оид материаллар фразеологизмларни этимологик таҳлил қилишда ёрдам беради. Фразеологиянинг нутқда актуаллик даражасини таҳлил қилишда матн тилшунослиги назариясига таяниш мумкин.

Фразеологияни ўрганишнинг умумий тизимини ишлаб чиқишда соҳа мутахассиси (фразеолог) умумий тилшунослик тажрибасидан фойдаланади. Ўз навбатида фразеология объекти шундай мураккаб ва ўзига хоски, уни ўрганиш жараёнида юқорида санаб ўтилган тилшунослик фанлари ривожланишига янги манбалар яратади.

Фразеологик бирикма тушунчаси

Сўз – тил тизимида асосий, лекин ягона бўлмаган номинал воситаси ҳисобланади. Нутқда у бошқа сўзлар билан бирикиб келиш хусусиятига эга ва бу ҳодиса синтаксис норма ва қоидалари билан мувофиқлашиб боради. Бундай бирикмалар тилда мавжуд бўлган намуна асосида ясалади. Масалан, $A_{(adj.)} + N_{(noun)}$ намунасидаги сифат ва от қўшиливи натижасида намуна талабларига жавоб берадиган кўплаб мисоллар келтириш мумкин ва ҳосил бўлган бирикмалар маълум маънони англатади. Масалан, *May I come in ? Knock at the door, etc.* Бундай мисолларда мазкур сўзлар комбинацияси одатда муайян қатъий шаклда ишлатилади ва нуктда тайёр тарзда қўлланилади. Шунга ўхшаш бирикмаларни турғун бирикмалар дейилади ва улар умумий луғат захирасига киради. Бундай бирикмаларда семантик (маъновий) ўзгаришлар содир бўлмайди, улар ўзининг маъносини сақлаб қолади. Масалан, *Good morning!* турғун сўз бирикмаси – вақтни ифодалайди, эрталабки саломлашиш.

Агар сўз бирикмасининг турғунлиги қисм ёки қисмларининг семантик ўзгаришлари билан тўлдирилса, у ҳолда бундай сўз бирикмаси фразеологик бирикмага айланади. Фразеологик бирикма сўзларнинг бирикишидан таркиб топишига қарамай, тилшунос уни эркин бирикма сифатида синтаксисда эмас, балки лексикологияда ўрганади. Бунинг бир неча сабаблари бор. Биринчидан, намуна доирасида эркин тузилган бирикма таркибида хоҳлаган қисмни алмаштириш мумкин. Масалан, *red* сифати ўзининг ранг хусусиятини сақлаган ҳолда бошқа кўплаб отлар билан бирикиб келиши мумкин: *red frock, red banner, red strip, red hair, etc.* Ўз навбатида намуна доирасида предметни англатувчи ҳар қандай от кўплаб сифатлар билан бирикиб келиши мумкин: *red frock, dirty frock, new frock, expensive frock, etc.*

Фразеологик бирикмада эса бирикмалар ўртасидаги алоқа қатъий ва қисмлардан бирини алмаштириш, албатта, маъно йўқолишига олиб келади. Масалан, фразеологик бирикма *black sheep (the worst member)* одатий $A + N$

намунаси бўйича қурилган бўлсада, қисмлардан бирида бирон бир арзимас ўзгариш рўй берса ҳам (*black ram* ёки *grey sheep*), асл маъно йўқолади.

Шундай қилиб, сўз бирикмаларидан айримлари, ҳатто гаплар ҳам бир қолипда қўлланавериб, бўлинмайдиган ҳолга келиб қолади.

ФБ ни лексикологиянинг тадқиқот объекти сифатида ўрганилишининг иккинчи сабаби, унинг сўзга хос белгилари борлигидадир. ФБ сўз каби нутқ жараёнида таркиб топмайди, балки тайёр қолип шаклида сақланади.

ФБ худди сўз каби ягона лексик маънога эга ва яхлит ҳолда гап бўлаги вазифасини бажаради. Бу эса ФБнинг грамматик функцияга эга эканлигини англатади. Масалан, *Instead of taking urgent measures the government chose sitting on the fence*; бу ерда фб – *sit on the fence* ягона лексик маънони билдиради, яъни *waiting* ва гапда қўшма кесим вазифасини бажаради. (аксинча кесим ва ўрин ҳоли вазифасини бажармайди *chose sitting in the pub* эркин бирикмаси каби).

ФБ сўз каби кўп маъноли бўлиши мумкин. Буни қуйидаги ибора мисолида кўринг: *to place oneself on record*; биринчи маъноси *to do smth noteworthy* ва иккинчи маъноси *to say smth in public*.

ФБнинг маънодорлик хусусиятини стилистик жиҳатдан ҳам олиб кўришимиз мумкин. Масалан, *wear and tear* (оғз.н.) турғун бирикмаси бирон бир нарсанинг жисмоний ишдан чиқишини ифодалайди (*breaking down*), айни пайтда эмоционал ҳолатни ҳам очиб бериши мумкин (*overstrain*).

ФБ таркибида қўшимча (аффикс) қўшиш орқали янги сўз яшаш ҳодисаси ҳам рўй беради. Масалан, *brain-trust* фразеологик бирикмасига – *er* суффикси қўшилиши натижасида *brain-truster*; *single-rhyme-single-rhymer* ҳосил бўлади. Бироқ фб сўздан фарқли ўлароқ, нутқда турли ўзгаришларга учрайди, натижада қотиб қолган қисмлар таркибида грамматик ўзгаришлар содир бўлиши мумкин. Айниқса, бу ҳолат фб таркибидаги феълда яққол кўринади: масалан, *I ground my teeth; he was grinding his teeth: let her grind her teeth then, etc.* Бундай ҳодиса сифатда ҳам кўришини мумкин, лекин сифатдаги ўзгаришда фразеологик бирикмага қўшимча экспрессивлик

кўчади. Масалан, *You are the coolest cucumber I've ever met*. Шундай қилиб, фразеологик бирикма сўз бирикмаси ҳисоблансада, лекин ўзининг функциявий-семантик хусусиятидан сўздан фарқли эмас. ФБ бир қолипда қўлланавериб, бўлинмайдиган ҳолга келиб қолган, ўзаро семантик (маъновий) жиҳатдан бир-бири билан боғланган сўз бирикмасидир. Нутқда бундай бирикмалар яратилмайди, улар тайёр ҳолда бўлади. Гапда гап бўлаги функциясини бажаради.

ФБлар таркибан тайёр ҳолда бўлсада, уларни тузилишига қараб гуруҳларга ажратиш мумкин: биринчи гуруҳ, эркин бирикмаларга шаклан ўхшаш фблар; *take silk, break the ice, etc.* Иккинчи гуруҳни ясама фблар ташкил этади; *pick and choose, rain or shine, light to darkness, for love or money, by hook or by crook, etc.* Учинчи гуруҳни эса предикативли (кесимли) тузилишга эга бўлган фблар ташкил этади; *as the matter stands, before you could say Jack Robinson; as the crow flies, etc.* Шунингдек, ҳис-ҳаяжонли, буйруқ майли шаклидаги фблар; *Take it easy! Draw it mild! Bless my soul! Take your time, etc.* Қиёсий хусусиятга эга бўлган бирикмалар *as dead as a door-nail, as mad as a hatter, etc.* Бир неча кўмакчи сўзлардан тузилган фблар *behind the scenes, in the blood, for good, etc.* ва кесимли фблар *to bear up, to give in, etc.*

Нутқда фбларнинг функцияларига кўра, А.В.Кунин уларни 2 асосий гуруҳга бўлиб таснифлайди:

1. Номинатив бирикмалар – предмет, ҳодиса, белги хусусиятларига эга бўлиб, турли тузилишга эга бўлиши мумкин. *A bitter pill to swallow, a wolf in sheep's clothing, a cock and bull story; to stir up a hornets' nest, much cry and little wool, to call a spade a spade, etc.*

2. Номинатив-коммуникатив фблар нутқни кучайтириб турли тузилишга эга: *as hell, birds of a feather, this cat won't jump, the fat's in the fire, etc.*

Тилнинг фразеологик фондини ўзининг ядроси ва чегарасига эга бўлган семантик тузилиш кўринишида тасаввур қилиш мумкин. Структура

ядроти бир-бирига ўзаро таъсири натижасида қисмларининг маъносини бутунлай ўзгартириб юборган фблар ҳисобланади. В.В.Виноградов бундай бирикмаларни фразеологик чатишмалар деб атайди; инглиз тилида эса Н.Н.Амосова томонидан истёъмолга киритилган идиомалар атамаси қўлланилади (*mare's nest-nonsense spill the beans-reveal a secret*).

Қисмларидан бири асл маъносини йўқотмаган фбларни В.В.Виноградов ўзининг терминологиясида фразеологик бирликлар деб атайди Н.Н.Амосова эса ўзининг терминологиясида уларни фраземалар деб атайди (*husband's tea-very weak tea, dressed up to the nines-dressed to perfection*)

Фразеологик бирикмалар таснифи

Фразеологизм қисмларининг семантик яхлитлиги жиҳатидан таснифи акад. В.В.Виноградовга тегишли. Маълумки, фразеология кўчма маънода ишлатиладиган эркин сўз бирикмаларидан таркиб топади. Аста – секин кўчма маънолик унутила бошлайди, йўқолиб боради, пировардида, бирикма турғунлашиб боради. Фразеология қисмларининг номинатив маъноси қанчалик йўқолиб беришига қараб, шунингдек, ундаги кўчма маънонинг кувватига қараб, В.В.Виноградов уларни уч қисмга бўлади: «фразеологик чатишмалар, фразеологик бирлик ва фразеологик ибора». Энди мазкур таснифни инглиз тилига нисбатан кўриб чиқамиз.

Фразеологик чатишмалар

Фразеологик чатишмалар ёки идиомалар – умуман ажратиб бўлмайдиган, қисмларга ажралмайдиган турғун бирикмалардир. Уларнинг умумий маъноси уларни ташкил этувчи сўзлар маъносига боғлиқ эмас. Масалан, *kick the bucket* (оғз.) рус. загнуть, умереть, протянуть ноги ўзб. букмоқ (буквормоқ), ўлмоқ, оёқ чўзиб қолмоқ; *send smb. to Coventry* рус. бойкотировать кого – либо, прекратить общение с кем-либо, ўзб. бирор киши билан муомалани тўхтатмоқ, орани бузмоқ, юз ўтгирмоқ; *at bay* рус. загнанный, в безвыходном положении, ўзб. қисувда қолмоқ, чорасиз ҳолатда қолмоқ; *be at smb's beck and call* рус. быть всегда готовым к услугам, быть на побегушках, ўзб. хизматга доим шай турмоқ, кимнингдир югурдаги бўлмоқ, кўл-оёқлик, ҳозиржавоб; *to rain cats and dogs* рус. лить как из ведра (о дожде), ўзб. пақирлаб (челаклаб) қуймоқ (ёмғир); *be all thumbs* рус. быть неловким, неуклюжим, ўзб. лапашанг бўлмоқ, ўнғайсизланмоқ, шалвирамоқ; *Kilkenny cats* рус. смертельные враги, ўзб. ашаддий душман, ўла-ўлгунча душман.

Фразеологик чатишмалар қисмларининг кўчма маъноси асосида келиб чиқади ва натижада бу кўчма маънолик ҳозирги замонавий тил нуқтаи назаридан тушунарсиз бўлиб қолди. Фразеологик чатишмаларнинг образлилиги фақатгина тарихий таҳлил ёрдамида очилиши мумкин. Масалан,

“bay” сўзи “тупик”- “боши берк кўча” маъносини англатади, “beck”- “взмах руки”- “кўлни баланд кўтармоқ” каби мисоллар архаик сўзлар ҳисобланади ва юқорида кўрсатиб ўтилган фразеологиядан ташқари истёъмолда ишлатилмайди. Ёхуд бўлмаса яна бир мисол, *to be all thumbs* тарихан *one’s fingers are all thumbs* иборасидан ҳосил бўлган.

Шунга ўхшаш фразеологизмлар қаторида *Kilkenny cats* (тахминларга кўра, мазкур чатишма XVII асрда Килкени ва Айриштаун шаҳарлари ўртасидаги кескин бешафқат кураш ҳақидаги афсонага бориб тақалади, натижада икки шаҳар ҳам камбағаллашади, пароканда бўлади). *Send smb. to Coventry* (Кларендоннинг “*The History of the Great Rebellion and Civil Wars in England*” номли китобида ҳикоя қилинишича, инглиз инқилоби даврида сургун қилинган қироллар Ковентри шаҳридаги қамоқхонада сақланган).

Шундай қилиб, фразеологик чатишмаларда асл ва кўчма маънолар ўртасида алоқа умуман йўқолган, кўчма маъно улар учун хос бўлиб қолган. Айнан шу боис фразеологик чатишмаларни бошқа тилга таржима қилиш анча мураккаб.

Фразеологик чатишмалар бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга:

1. Улар таркибига шундай сўзлар кирадики, чатишмадан ташқари бу сўзлар ҳеч қаерда учрамайди;
2. Чатишмалар таркибига архаизмлар кириши мумкин;
3. Улар синтаксис жиҳатдан қисмларга бўлинмайди;
4. Кўп ҳолларда қисмларининг ўрнини алмаштириб бўлмайди;
5. Уларда турғунлик хусусияти сақланган, таркибига қўшимча сўзларни қабул қилмайди.

Ўзининг мустақил лексик, (луғавий) маъносини йўқотиб, фразеологик чатишма таркибига кирувчи сўзлар, мураккаб лексик бирикма қисмларига айланади ва маъноси алоҳида сўзга тенглашади. Шунинг учун фразеологик чатишмалар алоҳида сўзга синонимик кириша олади. Масалан, *kick the*

bucket – to die, Send smb to Coventry - to ignore, etc. Шунини ёдда тутиш керакки, стилистика нуқтаи назаридан фб ва сўз бир-биридан фарқлидир.

Фразеологик бирликлар

Фразеологик бирликлар шундай турғун сўз бирикмаларки, уларда умумий кўчма маъно сақланган ҳолда алоҳида қисмларининг семантик белгилари яққол кўриниб туради. Масалан, *to spill the beans* рус. выдать секрет, ўзб. сирни ошкор қилмоқ; *to burn bridges* рус. сжигать мосты, ўзб. ўтмишни унутмоқ, ўтмиш билан алоқани узмоқ; *to have other fish to fry* рус. иметь дело поважнее, ўзб. муҳим ишларга эга бўлмоқ, банд бўлмоқ, бекорчи бўлмаслик; *to throw dust into smb's eyes* рус. заговаривать зубы, ўзб. қулоққа лағмон илмоқ, қўйинини пуч ёнғоққа тўлдирмоқ; *to burn one's fingers* рус. обжечься на чем-либо, ўзб. куймоқ, қилғилиқ қилиб куймоқ, афсусланмоқ товбасига таянмоқ; *to throw mud at the shoulders* рус. не понимать шуток, ўзб. ҳазилни тушунмаслик, ҳазилга йўқлик; *to paint the devil blacker than he is* рус. сгущать краски, ўзб. пашшадан фил ясамоқ, ортиқча бўрттириб юбормоқ; *to put a spoke in smb's wheel* рус. вставить палки в колеса, ўзб. панд бермоқ, арпани хом экмoқ, ғилдиракка чўп тикмоқ; *to hold one's cards close to one's chest* рус. держать что-либо в секрете, не разглашать что-либо, помалкивать, держать язык за зубами, ўзб. сир тутмоқ, жим юрмоқ, талқон ютиб олмоқ, тилни тишлаб турмоқ; *to gild refined gold* рус. золотить чистое золото, стараться улучшить, украсить что-либо и без того достаточно хорошее, ўзб. кўлдан келганини қилмоқ; *to paint the lily* рус. подкрасить цвет линии, пытаться улучшить или украсить что-либо не нуждающееся в улучшении, ўзб. лолаларни қизилга бўймоқ.

Фразеологик бирликлар ўзининг образлилиги ва метафоравийлиги билан маълум даражада фразеологик чатишмаларга яқин туради.

Бироқ образлилиги диахроник тарзда очиладиган фразеологик чатишмалардан фарқли ўларoқ, фразеологик бирликларда образлик ва кўчма маъно замонавий тил доирасида англашида. Акад. В.В.Виноградов ҳам образлик фразеологик бирликларга хос хусусият деб айтади.

Фразеологик бирликлар қисмлари ўзаро боғланган, уларда метафоравийлик белгилар аниқ кўриниб туради.

Фразеологик бирлик маъносини англаш учун аввал унинг қисмларини кўчма маънода идрок этиш керак. Масалан, *take a mountain out of a molehill* - иборасининг маъноси рус. делать из мухи слона, ўзб. пашшадан фил ясамоқ, яъни русчада сильно преувеличивать что-либо ўзбекчада арзимаган нарсадан кўп шовқин қўтармоқ, арзимаган нарсани (кичкина нарсани) катталаштирмоқ (сўзма–сўз, крот уясидан тоғ ясамоқ), у ҳолда *molehill* сўзини кичкина, арзимаган бирор нарса, *mountain* сўзини жуда катта нарса маъноларини очиб карагандагина ушбу ибора англашилади. Фразеологик бирликлар таркибида замонавий тил доирасида тушуниб бўлмайдиган сўзлар йўқ.

Фразеологик бирликларнинг ўзига хос хусусиятлари:

1. ёркин образлилик эвазига бошқа мавжуд иборалар билан маъновий яқин бўлиши *to throw dust into smb. 's eyes, to be narrow in the shoulders, to burn one 's fingers, to burn bridges*;
2. қисмларининг алоҳида маънолари сақланганлиги: *to put a spoke in smb. 's wheel*;
3. бир қисмни бошқа қисмлар билан алмаштириб бўлмаслик: *to hold one 's cards close to one 's chest*;
4. эмоционал – экспрессив бўёқдорлик алоҳида аҳамиятга молик: *to throw dust into smb. 's eyes, to paint the devil blacker than he is*;
5. алоҳида сўз ёки бошқа фразеологиялар билан синонимик алоқага кириша олишлилики: *to gild refined gold – to paint the lily*.

Фразеологик иборалар

Фразеологик иборалар – турғун бирикмалар бўлиб, таркибига ҳам эркин ҳам маъноси фразеологик боғланган сўзлар киради. Масалан, *a boson friend* рус. закадычный друг ўзб. яқин дўст, ажралмас, чин дўст; *a pitched battle* рус. ожесточенная схватка ўзб. шиддатли олишув, тўқнашув; *(to have) a narrow escape* рус. спастись чудом ўзб. тасодифан қутилиб қолмоқ; *to brown*

one's eyebrows рус. насупить брови ўзб. қовоғидан қор ёғмоқ; *Adam's apple* рус. адамово яблоко ўзб. Одамато олмаси; *a Sisyfean labor* рус. Сизифов труд (ўзб. қаттиқ меҳнат маъносида); *rack one's brains* рус. ломать голову (усилинно думать, вспоминать) ўзб. бош қотирмоқ; *to pay attention to smb.* рус. обратить на кого-либо внимание ўзб. эътибор қилмоқ, кўз ташламоқ.

Фразеологик чатишмалар ва бирликлар қисмларининг бўлакларга бўлинмаслиги нуқтаи назаридан фарқли, фразеологик иборалар маъно жиҳатдан бўлакларга ажралади. Шу хусусияти билан улар эркин сўз бирикмаларига яқин туради.

Фразеологик ибораларнинг ўзига хос хусусиятлари уларнинг вариантлиги, яъни:

1. қисмлардан бирини бошқа вариантга алмаштириш мумкин: *a bosom friend* рус. закадычный друг ўзб. чин дўст; *a bosom buddy* рус. закадычный приятель ўзб. яқин ўртоқ.

2. бош сўзни синонимик алмаштириш мумкин: *a pitched battle* рус. ожесточенная схватка ўзб. шиддатли олишув; *a fierce battle* рус. свирепая схватка ўзб. шафқатсиз олишув;

3. қўшимча маъно (сифат) киритиш мумкин: *he frowned his thick eyebrows* рус. он насупил густые брови ўзб. (у қуюқ қошларини чимирди) унинг қовоғидан қаттиқ қор ёғяпти;

4. қисмлар ўрнини алмаштириш мумкин: *a Sisyfean labor* рус. Сизифов труд; *a labor of Sisyphus* рус. труд Сизифа;

5. қисмлардан бири эркин, иккинчиси унга боғлиқ ҳолда ишлатилади: *a bosom friend* рус. закадычный друг ўзб. чин дўст, чин душман бўла олмайди.

Фразеологизмларнинг ифодавийлиги хусусияти нуқтаи назаридан акад. В.В.Виноградовнинг таснифини кейинчалик Н.М.Шанский ривожлантириб, фбларнинг тўртинчи «фразеологик ифода» турини ажратди.

Фразеологик ифода

Фразеологик ифодаларга таркиби турғун бўлган, бутунлай эркин номинатив маъноли ва семантик бўлинадиган бирикмалар киради.

Фразеологик ифода ўзгармас лексик таркиб ва муайян семантик маъно билан тайёр нутқий бирлик сифатида ишлатилади. Фразеологик ифодаларнинг ягона ўзига хос хусусияти бу – ифодавийлик. Фразеологик ифодалар кўчма маъно англатмайди, уларда асл маъно сақланиб қолиб, образлилик йўқолади. Уларнинг таркибига кўплаб инглиз мақол ва маталлари киради. Масалан, *live and learn* рус. век живи, век учись ўзб. бешикдан то қабргача илм изла; *better untaught than ill taught* рус. лучше быть неучеными, чем неправильно ученым ўзб. чала мулла бўлгунча, бўлмаган яхши; *many men, many mind* рус. сколько голов, столько и умов ўзб. битта калла яхши, иккита калла ундан яхши; *easier said than done* рус. легче сказать, чем сделать ўзб. кўз кўрқоқ, қўл ботир; *nothing is impossible to a willing heart* рус. кто хочет, тот добьётся ўзб. интиланга толеъ ёр.

2-БОБ. ТУРЛИ СЕМАНТИК ГУРУҲГА МАНСУБ ФРАЗЕОЛОГИК БИРИКМАЛАРНИ ТАРЖИМА ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ.

Таржима қилиш учун сўзларнинг асосий луғавий мазмуни-ю, тилнинг грамматик қоидаларини билишнинг ўзи кифоя эмас. Бунинг учун тилни ҳис этиш лозим. Тилнинг ана шундай «ҳиссий» томонларидан бири муайян асарда автор тилнинг қайси қатламларидан, қандай, не йўсинда фойдаланганида ўз ифодасини топади. Бу эса услуб билан боғлиқ. Албатта, ҳар бир конкрет ёзувчи, конкрет асар, конкрет жанрга мансуб ишлар таржимасида биринчи ўринга чиқадиған талаблар бўлади. Олайлиқ, И.А. Крилов масаллари таржимасида бу миллийликни бериш, Муҳаммадшариф Гулҳанийнинг «Зарбулмасал»и таржимасида паремиология, фразеология, идиоматика ва ҳоказо.

Ҳар бир тилнинг ҳам ўзига хос кучли ва заиф томонлари бор. Дунёда бошқа тилларда мавжуд барча луғавий-услубий хусусиятлар, семантик грамматик ресурсларни батамом қоплай оладиган мутлақ бой тил йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир тил ўзича бой ва ўзича гўзал.

Таржима бўлиш назариясининг асосий тезисларидан бири шуки, бирон тилда шундай бир нарсa йўқки, уни бошқа тилларда ифодалаб бўлмасин. Тўғри, муайян тилда бирон лисоний категория, ё услубий қатлам, ё мантикий тушунча, ё лексик восита бўлмаслиғи мумкин. Аммо бу ҳол бир тилдаги ўша лингвистик ўзига хослик ёҳуд афзаллик воситасида фюдаланган фикрни бўлак тилларга бошқа фонетик, морфологик, синтактик ёки лексик-услубий воситалар билан умуман бериб бўлмаслигини билдирмайди.

Ҳар бир тил унинг ўзигагина хос бадий тасвир воситаларига эга. Таржимада бу хусусиятларни тўғри бериш баъзан айна таржиманинг умумий бадий-эстетик қимматини белгилашда муҳим омиллардан бирига айланади.

Шарқда гўзалнинг юзини ойга нисбат бериш чуқур ижобий анъанавий ўхшатиш ҳисобланади. Масалан, «Навоий асарлари луғати»да моҳ, маҳ

сўзлари асосида ясалган куйидаги бирикмалар қайд этилган: моҳи дилафрўз-кўнгилни хуш қилувчи ой, кўнгил овловчи гўзал; моҳи жазонгард-дунёни кезувчи ой; моҳи Зухражабин – Зухрадай порлоқ, гўзал; моҳи нав – янги ой; моҳи тоб, моҳи тобон – порлоқ ой, товланиб турган гўзал; моҳи нўшлаб-ширин сўз ой, ширин мўз гўзал; моҳлиқо, маҳлиқо – ой юзли гўзал; моҳтоб, маҳтоб – ойдин (НАЛ, 399-400).

Ўзбекча – русча луғатда ой англатган гўзаллик маънолари куйидагича берилади: ойдек қиз – луношкая (красивая) девушка; мақол ойни этак билан ёпи бўлмас – луну подолом не прикроешь ёки шила в мешке не утаишь; ҳар кимники ўзига ой кўринар кўзига – всякому своё кажется луною ёки своё не мыто, да бело; оймўма – круглолиций, лунолиций (ЎРЛ 258, 298-299). Рус тилида эса луна (ой) сўзининг деярли биронта ҳам кўчма маъноси луғатларда қайд этилмаган, хусусан ой юзли ёр ўзбек тилида ниҳоятда гўзал маҳбубани англатса, русларда бу гўзаллик тушунчаси мавжуд эмас.

Қадимги ҳинд эпоси «Рамаяна»да ой, қуёш, юлдузлар фақат табиат мўъжизаси, бузаги, сайёра ёритгик эмас, балки инсоннинг маънавий олами, жисмоний гўзаллиги, таровати, хусну латофати таърифида тез-тез қўлланиб турадиган анъанавий-услубий восита сифатида кенг истифода этилган. Турли миллатларга мансуб одамлар осмон ёритгичлари тўғрисида ёки улар асосида шу қадар ранг-баранг ривоятлар тўқишган, шунчалик кўп мақол, матал, мажозлар яратганлар, хусусан, Шарқ халқларининг оғзаки ижоди, мифологияси ва паремиологиясига хос умумийлик шундаки, масалан, ой гўзал ёр маҳбуба сиймосининг латифлиги, хушрўйлигини ифодалаб келади.

Кўзнинг чаросга ўхшатилиши (чаросдай кўзлар) унинг тим қора эканлигига ишорадир. Буни рус тилига айнан «глаза, будто чарос» деб ўгириб, сатр остида «чарос – узумнинг яхши нави» тарзида изоҳ берган билан рус китобхонига ҳеч нарса тушунарли бўлмайди.

Л.Н.Толстой «Тирилиш» романида Катюша Маслованинг кўзлари қоп-қора эканлигини англатиш мақсадида смородина (қорағат) сўзидан фойдаланиб, «чёрные, как мокрая смородина» иборасини ишлатади. Буни

таржимон Х. Ахророва ўзбек тилида «чаросдай қоп-қора кўзлар» деб берган. Бунинг сабаби шуки, мева тури сифатида, русларга чарос қанчалик маълум бўлмаса, ўзбекларга қорағат ҳам шунчалик тушунарли эмас.

Муайян тасвири китобхонга маълум ва тушунарли бўлмаган предметларга қиёс қилиш ўқувчини чалғитади, ҳаёлини бўлади. Шу сабабдан ўзбек тилида Катюша Маслованинг кўзларига нисбатан ишлатилган «мокрёе, как смородина» тасвирининг чаросдай қоп-қора деб берилишини маъқуллашга тўғри келади. Албатта, мантиқан бунга қуйидагича эътироз билдириш мумкин: нега рус кишиси образига хос бўлмаган луғавий-услубий ашёни (деталь) рус табиатига хос тушунчалардан эмас, балки ўзбекча турмуш тарзига оид нарсалардан оламиз? Масалан, «Қумрининг кўзлари қорағатдай қоп-қора» ёки «Нинанинг кўзлари чаросдай ёнади» деса, бу миллий услуб тахлитига ҳилоф иш бўлмайдами? Йўқ, ундай бўлмайди. Негаки, юқорида қайд этилгани сингари, маъно урғуси бундай бирикмаларда улар таркибидаги сўзларнинг луғавий мазмунига тушмайди. Кўзнинг қоралиги русларда қорағатга, ўзбекларда чаросга қиёс қилинарсан, ҳеч ким ўрмон меваси қорағат ёки чарос номли узум навини кўз олдида келтирмайди. Бошқача айтганда, бундай фразеологик бирикмаларда уларни ташкил қилган образларнинг луғавий маъноси нолга тенг бўлади.

Халқларнинг турли табиий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий шароитларда яшашлари натижасида уларнинг онги, дунёқараши ва ахлоқида турли специфик тушунчалар, норма ва принциплар қарор топадики, буларнинг ҳаммаси тилда ҳам акс этади. Масалан, тропик иқлим шароитида яшовчи халқлар қор нималигини тасаввур қила олмас эканлар, уларнинг тилида «қордай оппоқ» эркин бирикмаси каби қиёснинг йўқлиги ўз-ўзидан равшан. Аввало, табиий ҳодиса сифатида қор нималигини билмаганларидан кейин, уларнинг тилларида бу ҳодисани ифода этувчи махсус сўз («қор») ҳам йўқ, албатта.

Н. В. Гоголнинг «Ревизор» комедиясидаги Земляника, Хлестаковнинг тасвирлашича, шундай одам:

Коробкин:— «Надзиратель за богоугодным заведением Земляника — совершенная свинья в ермолке»¹.

Ўзбек тилига бу шундай таржима қилинган:

Коробкин: «Худойихоналар мутасаддиси Земляника кулоҳ кийган чўчканинг ўзгинаси»².

Комедиянинг бошқа бир жойида Артёмий Филиппович шаҳар ҳокими тўғрисида гапириб, «этаккой свинье лезет всегда в рот счастье»,— деса, ўзбек тилида ҳам «бахт нуқул мана шунақа чўчканинг оғзига ўзини уради», деб надомат қилади. Кўриниб турибдики, салбий образлар бир-бирларини нуқул «чўчка» деб атайдилар, таржимада ҳам бу айнан шундай акс этирилган (Н. В. Гоголда салбий образлар ўз-ўзларини ёки бир-бирларини фош этадилар).

К. Чуковский «Бадий таржима принциплари» деган китобчада босилган «Насрий асарлар таржимаси» номли мақоласида Бальзак романларидан бирида отанинг ўз болаларини эркалатиб, «здравствуйте, мои поросятюшки!» деб айтган гаплари рус тилига «здравствуйте, мои птички!» деб таржима қилинганини қаттиқ танқид қилади. Чунки кўпол сўз деган мулоҳаза билан «поросятюшки»ни «птички» деб алмаштириш авторнинг услубини сийқалаштиришга олиб келади.

Бироқ Бальзак асарларининг услубини таржимада акс этираман деб, ундаги «поросятюшка» сўзини ўзбек тилига... «чўчка болалари» ёки «чўчкавачча» қабилида «таржима» қилиб бўладими? Йўқ, албатта. Агар ўша ота ўзбек тилида ўз болаларига... «салом чўчкачаларим» деса борми, бу билан у ўз жужуқларини эркалатган эмас, балки қаттиқ ҳақорат қилган бўлар эди!

Рус тилида ҳам «чўчка» сўзи кўп ҳолларда ақлсизлик, нодонлик, бефаросатлик маъноларини ифодаловчи бирикмаларнинг образли асоси сифатида кўринади. Бундай ҳолларда уларни айнан ўгириш мумкин. Аммо ўзбек тилида бахтли, эзгу иш ёки эркалатиш маъноларини ўзида акс

¹ Н. В. Гоголь. Ревизор. Ташкент, 1952, с. 113.

² Н. В. Гоголь. Ревизор. Абдулла Қаҳҳор таржимаси. Тошкент, 1952, 90- бет.

эттирадиган образли асоси «чўчқа» сўзидан иборат биронта ҳам матал ёки идиома йўқ. Ҳолбуки, олайлик, немис тилида бу сўз салбий ҳодисалар образи бўлиб гавдаланиши баробарида, бахт, омад келтирувчи символ сифатида ҳам гавдаланади. Шунингдек, француз, инглиз ва рус тилларида «чўчқа» сўзи эркалаш маъноларида келади.

Бундай вақтларда таржимон ўша бирикмаларнинг образли асосларини ўз тилида анъана бўлиб қолган ҳайвон ва паррандаларнинг номлари билан алмаштиришга мажбур бўлади. Масалан, Бальзакдаги ўша «здравствуйте, мои поросётушки!» хитобини ўзбекчага «салом, қўзичоқларим!» тарзида ўгиришга тўғри келади. Шу зайл, французча жумладаги «чўчқа» сўзининг рус тилида «қуш» бўлиб қолиши қанчалик номатлуб бўлса, ўзбек тилида «қўзичоққа» «айланиши» шунчалик мақсадга мувофиқдир.

Бунинг сабаби шуки, дунёдаги жуда кўп халқларда яхшилик, ювошлик, сахийлик, ёмонлик, айёрлик, ваҳшийлик, қўполлик тимсоли сифатида маълум ҳайвон ёки паррандаларнинг номлари қабул қилинган. Масалан, ёмонлик, зарарқунандалик тимсоли — илон, чаён; ваҳшийлик тимсоли — бўри; ювошлик тимсоли — мусича, қўй; меҳнатсеварлик тимсоли — чумоли ва асалари; катталиқ тимсоли — фил, туя; айёрлик тимсоли — тулки; қўполлик тимсоли — айик; бефахмлиқ ва бефаросатлик тимсоли — эшак, чўчқа; тинчлик тимсоли — қаптар; гўзаллик тимсоли — товус; хушхонлик тимсоли — булбулдир. Ва ҳоказо.

Аммо турли халқларда ўхшатиш ва сифатлаш тимсоллари, юқорида қайд этилгандай, ўзига хос хусусиятга эга бўлиши ҳам мумкин. В. Далнинг «Пословицы и поговорки русского народа» (рус халқининг мақол ва маталлари) номли китобида келтирилган: «ребёнок, что жеребёнок» бирикмасида болани тойчоққа ўхшатиш ўзбекларда ҳам учрайди: *тойчоқ*, *тойчоғим* ва ҳоказо. Бироқ ўзбек тилида худди ўша луғатда келтирилган «ребёнок, что поросёнок» фразеологик бутунлигига мувофиқ келадиган биронта ҳам ибора йўқ. Ўзбек ўз боласини туянинг боласига (*бўтам*, *бўталогим*), отнинг боласига (*тойчоқ*, *тойчоғим*) ўхшатади-ю, аммо,

айтайлик, сигирнинг боласига нисбат бериб «гўсалам» ёки «бузоқчам», эшакнинг боласига нисбат бериб «куррачам» ёки «хўтукчам» демайди. Чунки ўзбекнинг наздида бу эркалаш эмас, кечириб бўлмайдиган хунук ҳақорат бўлиб туюлади.

Шундай қилиб, тилда турли-туман ўхшатиш ва сифатлашлар асосида ниманинг образини ишлатиш анъана бўлиб келган бўлса, таржимада ҳам шунга риоя қилиш зарур. Зотан, агар бирон ўзбек ёзувчиси ўзи тасвирлаётган кизнинг гўзаллигини образли қилиб гавдалантириш мақсадида уни... сигирга ўхшатса, бу жуда қўпол чиқиши турган гап. Шунинг учун бошқа халқларда ҳам бу ҳайвон номининг гўзаллик тимсоли сифатида кўринишини тасаввур қилолмаймиз. Лекин амалда бундай эмас (масалан, ҳиндлар).

Инсоният ихтиёрида мавжуд энг мукаммал ишланган тилда ҳам табиатдаги турли-туман ҳодисалар, ҳатто инсоннинг руҳий кечинмалари билан боғлиқ жуда кўп сирли ҳолатлар, жилвалар, ҳис-туйғуларнинг номлари, атамалари мавжуд эмас. Масалан, табиатда 100 минг хил ҳид бор экан, тилларда бу ҳидларни ифодаловчи сўзлар 0,1 процентни ҳам ташкил этмайди. Бироқ, тил абстракциялаш, умумлаштириш хусусиятига эга. Кишилар *хушбўй, нозик, ёқимли* каби сифатлар билан умуман «яхши ҳид» тушунчасини, *қўланса, сассиқ, бадбўй* ва ҳоказо сўзлар воситасида умуман «ёмон ҳид»ни умумлаштириб, жамлаб ифода этадилар.

Ҳар бир тилда ўша тилнинг соҳиби ҳисобланмиш халқнинг ўзи кўпроқ машғул бўлган ҳўжалик, ишлаб чиқариш соҳалари ҳамда уни ўраб турган табиий муҳит (иқлим, ҳайвонот ва ўсимликлар олами, тоғ, чўл, саҳро, сув ва ҳоказо)га алоқадор сўзлар, атамалар, иборалар бошқа тилларга нисбатан кўпроқ ёки камроқ бўлиши мумкин.

Сув ўлкаси бўлмиш Буюк Британияда табиатнинг бу неъматини, сув ҳўжалиги, балиқчилик билан боғлиқ тушунчаларни ифодаладиган сўзлар сероб бўлиши ўз-ўзидан тушунарли. Инглиз тилида water (сув) сўзидан ясалган кўчма маъноли бирикмалар, идиомалар, мақол ва маталлар ҳам кўп учрайди.

*Вильям Шекспирнинг «Ҳамлет» трагедиясида дания шаҳзодаси —
Полонийни «балиқфуруш» деб атайди.*

Polonij:

Do you know me, my lord?

Hamlet:

Excellent well; you are a fishmonger.

Таржимаси

Полоний:

Сиз мени танийсизми, милорд?

Ҳамлет:

Жуда яхши танийман. Сиз балиқфуруш.

Тик (Tieck), Кольриж (Callridge), Фризен (Frizen), Деринг (Dering), Малоне (Malone), П.А. Каншин, М.М. Морозов ва М.Сулаймоновлар Шекспирда fishmonger (балиқфуруш) сўзи қандай маънода келганини аниқлашга уринганлар. Маълум бўлишича, буюк драматург яшаган замонларда инглизларда «балиқфуруш» сўзининг «қўшмачи» деган маъноси бор экан. Демак, айти бир сўз бир тилда (инглиз) ўзининг асосий луғавий маъносидан ташқари мажозийлик ҳам касб этган бўлса, бошқа халқларнинг тилларида (русларда — торговец рыбой, ўзбекларда — балиқфуруш) бундай хусусият кўринмайди.

«Қирол Лир» трагедиясида ҳам шунга ўхшаш ҳол кўзга ташланади:

Duke of Albany:

Wisdom and goodness to the vile seem vile;

Fiths savour but them selves. What have you done?

Tigers, not dawghters, what have you perform`d.

(1938, 494).

Русча таржимаси

Альбони:

Добро и мудрость — плохо для плохих

Грязь любит лишь себя. Что вы совершили?

Что сделали, не дочери — тигрицы?

(1950, 546).

Ўзбекча таржимаси

Альбони:

Яхши ният, яхши ўгит — ёмонга ёмон.

Балчик, фақат ўз-ўзини яхши кўради.

Нима қилиб қўйдингиз, ё урғочи арслонлармисиз?

Арслон тимсоли ўзбекларда фақат ижобий— «*ботир*», «*жасур*», «*довюрак*» маъноларида келади. Умуман, Шарқда бу сўз виқор, олижаноблик, мардликни англатади. (Шоир, шох, ҳарбий саркарда Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг таҳаллусидан ҳам бу англашилиб туради: арабча «*бобр*» — *йўлбарс* дегани).

Инглизчада Альбони Лирнинг бағритош қизи — Гонерильяга *tigers* дер экан, арслоннинг *йиртқичлигига* ишора қилинади. Русчада бу *тигрица* деб берилганида ҳам ана шу маъно тушунарли. Ўзбек тилида мабодо *tigers* — *арслон* деб ўгирилганида, муаллиф назарда тутган салбий маъно (йиртқичлик) таржимада, беихтиёр, ижобий маъно касб этган: разил аёлга — олижаноблик сифати инъом этилган бўларди. Шу сабабдан Ғафур Ғулом рус таржимони изидан бориб, буни «*урғочи арслон*» деб ўгирган, яъни унинг *мода, урғочилигини* қайд этиш орқали асосий нарса — онгсиз ҳайвон, йиртқич, разиллигига урғу берган, буни ишора билан англатган.

Шунга ўхшаш ҳолни «Отелло» трагедиясида ҳам учратиш мумкин.

Jago:

Zounds, sir, you're robb'd; for shame, put on your gown

Your heart is burst, you have lost half your soul;

Even now very now, an old black ram.

Is tupping your white ewe.

(1938, 349).

Русча таржимаси

Яго:

Вас обокрали. Всё ж халат накиньте,
Разбито сердце, полдуши погибло.
Вы — здесь, а вашу белую овечку
Там кроет черный матерый баран.

(1950, 469).

Яго:

Шайтон урди! Таландингиз! Уят, кийининг!
Қалб эзилиб, жонингиздан ажраб қолдингиз!
Шу пайтда, шу минутда, қора ва қари
Битта қўчқор қўзингизни босди...

(1960, 182).

Ғарб тилларида қўй образи фақат салбий маънони билдиради. Шунинг учун ҳам маккор Ягонинг тилида an *old black ram* қора, разил қўчқор билан *white ewe* оппоққина қўзичоқ бир-бирига контраст қўйилган. Ўзбек тилида бўлса қўчқор, аксинча, фақат ижобий маъно англатади. Шунинг учун ҳам юқоридаги ўзбекча таржимани у қадар мақсадга мувофиқ деб бўлмайти.

Шуниси қизиқки, ҳатто генетик томондан яқин тилларда ҳам айрим хайвон номларининг мажозий тимсол сифатида қўлланилишида услубий фарқ кўзга ташланади. Масалан, ўзбек ва туркман тилларида қўчқор (*гач*) умуман ижобий маънода келишидан ташқари, кейингисида ҳатто гўзал маъшуқани ҳам... қўчқорга нисбат бериш ҳодисаси учрайди.

«Овозингдан» номли шеърдан бир мисол.

Бу ашрат чоғ ичинде,
Боз гач каби ичинде,
Андали сан боғ ичинде,
Соз очмайин овозингдан.

Таржимаси

Бу айшу-ишрат кечинда,
Бўз қўчқордай тоғ ичинда,
Бир булбулсан боғ ичинда,

Сўз очмайин овозингдан.

Ўзбекларда маъшукани булбулга, охуга, гулга ўхшатилиши маълум, аммо уни ҳеч қачон эркак жинсидаги жониворга (бўз қўчқорга!) нисбат берилмайди. Бундай вақтларда ўхшатиш, сифатлаш, нисбат беришга асос бўлган, аммо айна тилда анъанавий мажозий образ тарзида қабул қилинмаган сўзни бошқа, анъанавий тимсол-образ билан алмаштиришга тўғри келади. Масалан, «Бўз қўчқордай тоғ ичинда» мисрасини «Мисли оху тоғ ичинда» деб ўзгартирилса, айна муддао бўларди.

Қадимги юнонийларда хўкизларнинг кўзига нисбат бериб айтилган «хўкизчашм» сўзи бизнинг тасаввуримиздаги гўзал, шахло кўзларни англатган. Қозоқ ва қирғиз тилларидаги *бўтақўз* сўзида бўғалоққа (туянинг боласи) нисбат берилган экан, буни бошқа тилга айнан кўчириш қийин. Ҳиндларда сигир — нафосат, гўзаллик, сахийлик ва оналик меҳрининг тимсоли бўлгани сабабли, ҳинд адабиётида гўзал маҳбубани *сигирга* ўхшатиш бамисоли бизда довурак ботирни *арслонга* нисбат берилгандай гап. Немисларда бўлса *чўчқа* — омад ёки бахт тимсоли экан, буни бошқа тилга айнан ўтказилса, турган гап, ақл бовар қилмайдиган иш бўлади.

Ана шундай табиий, ижтимоий, тарихий сабабиятлар тақозоси билан туғилган ҳамда ҳар бир халқнинг ўзига хос руҳий ҳаётини акс эттирувчи тасаввур ва тушунчаларни бир тилдан бошқа тилга ўтказиш таржимондан ғоят эҳтиёткорликни талаб этади.

Бир-биридан жуда узоқ масофада, бошқа-бошқа қитъаларда яшовчи икки халқ тилида — немисчада ҳам, ўзбекчада ҳам *меҳмондўстлик* (гастфроендшафт) калимаси бир хил маънодаги икки: *гаст* (меҳмон), *фроендшафт* (дўстлик) сўзларидан таркиб топган! Бу — шунчаки «лисоний тасодиф»микан? Ёки бундай лисоний ва шунга ўхшаш адабий-эстетик муштарак ҳодисалар, эквивалентлар пайдо бўлишининг бирон қонунияти борми?

Лекин, юқорида қайд этилганидай, турли халқларнинг моддий ва маънавий ҳаётида ўзига хос махсус тушунчалар кўп учрайди. Чунончи,

немисча *фракни* ўзбек тилида нима деб бериш керак? Ўзбек *паранжисини* немис тилида қандай тушунтирса бўлади? Шунингдек, украин хутори — ўзбек қишлоғи эмас. Ўзбек қишлоғи — қозоқнинг овули эмас, қозоқ овули эса қирғизнинг айилидан фарқ қилади. Булар ўзига хос миллий-территориал хусусиятларга эга бўлган аҳоли ва хўжалик birlikларидир.

Икки буюк ўзбек адиби ва уларнинг икки машҳур романини олиб карайлик: Абдулла Қодирий ва Ойбек. «Ўтган кунлар» ва «Қутлуғ қон». Кумуш ва Гулнор. Отабек ва Йўлчи. Ўзбек адабиёти осмонининг порлок юлдузлари. Бу муқоясада бир олам умумийлик ва муштараклигу, сон-саноксиз такрорланмаслик ва ўзига хослик мавжуд. Борди-ю, ана шу икки ўзбек миллий романини бўлак тилларга таржима қилганда Кумуш ва Гулнор, Отабек ва Йўлчилар фақат ўз номлари билангина фарқланадиган бир киши бўлиб қолсалар, бу билан тарихий ҳақиқатга ҳам, бадий ҳақиқатга ҳам, миллий-этнографик ҳақиқатга ҳам хилоф иш қилинган бўлар эди.

Кумуш — зодагон, маърифатли ўзбек оиласида тарбия топган ифбатли, ўқимишли, одобли, номус-иболи қиз. Кумушдаги ана шу инсоний фазилят унинг ёзувчи томонидан мукамал, нафис ишланган ажойиб тилида ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Тўй куни. Кумушбиби нотаниш куёвни ёвуз «душман» ўрнида кўради, аммо унинг тарбияси ҳатто ўз рақибига нисбатан ҳам кўрс муомала қилишни тақозо этмайди ва «ушламангиз» дейди. Биттагина сўз, аммо унда бир жаҳон маъно бор! Қанчалик олижаноблик! Шу битта сўзда даҳшат ҳам, ғазаб ҳам, ҳаяжон ҳам, изтироб ҳам бор, шу билан бирга, унда бир қадар... ҳурмат ҳам мужассамлашган.

Романнинг немисча таржимасида бу «ласст михт!» — «ушлама!» деб берилган. Асар таржимасини тадқиқ этган Р.Файзуллаеванинг қуйидаги кузатишида чуқур маъно бор: “Немис тили фонетик ва лексик жиҳатдан “бир мунча дағал” тил. Бироқ, айти ҳолда, немис воқелиги эмас, балки ўзбек

миллий турмуши чуқур лирик туйғу билан нафис тасвирланган асар таржимаси хусусида боряпти-ку”.¹

Таржима айна чокда эстетик муаммо ҳамдир. Бошқача айтганда, ҳар қандай бадиий асарни бир тилдан иккинчи тилга мукаммал ўтказиш учун, шу икки тилни чуқур билишдан ташқари, бир қанча соф эстетик ҳамда жуда кўп экстралингвистик (ғайрилисоний) масалаларни ҳал қилишга тўғри келади.

Юксак маҳорат билан яратилган гениал санъат асарларининг қарийб ҳар сатридан балқиб турган чуқур ҳис, ҳаяжон, мусиқа, нафосатни қайси бир луғатдан топиб бўлади? Ёхуд халқчиллик руҳи билан суғорилган ажойиб китобларда тасвирланган халқнинг миллий ўзига хос урф-одатлари, удум ва қилиқлари, қисқаси, бадиий асарнинг руҳини бериш учун фақат тил билишнинг ўзи кифоя қилмайди.

Денгиз бўйида бир йўловчи дам олиб ўтирибди. У ўзича аллақандай кўшиқни хиргойи қиларкан, кўзидан дув-дув ёш тўқади. Воқеанинг устидан чиқиб қолган рус кишиси бу таъсирчан ашулани рус тилида «тушунтириб» беришни сўрайди. Грек бажонидил таржима қилади...

«Бир қуш кўниб турган эди, русчасига унинг номи қандай эканлигини билмайман. У қояга кўниб турганди, жуда кўп турди-турди-да, қанот қокди, учди-да кетди, ўрмонлар оша узоқ-узоқларга парвоз қилди...» Вассалом. Кўшиқ: грек тилидан русчага кўчганда ундан ҳеч вақо қолмади, ҳолбуки асл нусхасида бу жуда ҳам таъсирли бўлган.

Ҳар қанча чуқур лисоний билим ва ихлос билан асл нусханинг ҳар бир ҳарфи ва сўзи кўчирилмасин, масалан, ўзбекча «Кўча боғи» ёки «Тановар» кўшиқларининг сўзларини бошқа тилга ўгирганда, уларнинг на маъноси, на таъсиридан бирон нарса қолиши амри маҳол.

В.Г. Белинский «Поэзиянинг хил ва турларга бўлиниши» номли асарида Шекспирнинг «Отелло» трагедиясидан Дездемонанинг чуқур руҳий ҳолатини ифода этувчи 13 мисрада берилган мунгли қўшиғини мисол келтиради. Бу қўшиқ:

¹ Кандидатлик диссертациясидан.

*Ўйга толиб турарди бечора қиз сояда,
Эгар эди ҳасрат уни, берилганди нолага:*

«Куйлангиз сиз мажнун толни, куйланг менга кўк толни!» —

мисралари билан бошланиб, куйидаги сатрлар билан тугайди:

*Бу ям-яшил, бу мажнун тол менга гултож бўлажак,
«Эй мажнун тол, мажнун тол, эй ям-яшил мажнун тол!».*

Мана шу охирги мисра қўшиқда тўрт марта такрорланади. «Айтинг-чи,— дейди В. Г. Белинский,— бу ерда мажнун тол сўзининг шеър мавзуига — Дездемонанинг изтиробига қандай алоқаси бор? Дездемона ўз қўшиғини куйлаган чокда, ўзини мажнун тол тагида ўтирган деб ҳаёл қилганми, чорасиз ҳасратда, ўзининг чорасиз қайғусини, муқаррар тақдирининг бутун фожиасини сўзлаб беришини истаб унга мурожаат қилдими экан?.. Қандай бўлмасин, ҳеч қандай бир аниқ маъно ифода этмайди: “Эй мажнун тол, сен мажнун тол, эй ям-яшил мажнун тол” ўз ичида чуқур фикрга, ўзини ифода этишдан ожиз бўлган, сўзни тарк этиб, ҳис ва мусиқа садосига айланган фикрга эга...” (136-137).

В. Г. Белинский Шекспирнинг Н. Полевой русчалаштирган «Ҳамлет» трагедиясидан ақлдан озган Офелиянинг мана бу қўшиғини келтиради:

*У ётарди тобутда, ёпилмаганди юзи,
Унинг юзи очикди, ёпилмаганди юзи.*

«Ёпилмаган деган сўз очик демакдир, очик демак эса — ёпилмаган демакдир; лекин озгина грамматик ўзгариш билан бир хилдаги сўзнинг такрорланиши руҳга қандай чуқур таъсир этади!».

Юқорида қайд этилган парча инглизчада мана бундай жаранглайди:

Ophelia.

They bore him barefas'd on the bier;
Hey non nonny, nonny, hey nonny;
And in his grave rain'd many a tear,—
Fare you well, my dove¹.

П. А. Каншин таржимаси:

Офелия (поёт) —

Схоронили его с непокрытым челом...
Горе мне, горе мне, неутешное горе!
И поднявшийся холм, холм могилы его,
Мы потоками слёз оросим...
Прощай, мой голубчик!²

М. Лозинский таржимаси:

Офелия (поёт) —

Он лежал в гробу с открытым ликом,
Веселей, веселей, веселее:
И пролито много слёз по нём,
Прощай, мой голубь!³

П. А. Каншин таржимаси нашри асосида «Хамлет»нинг ўзбек тилига қилинган илк таржимасида (Чўлпон) мазкур қўшиқ шундай берилган:

Офелия (ашула) —

¹ Hamlet by Shakespeare, William. The works of Shakespeare in 4 volumes. M., co-operative publishing society of foreign workers in the print. 1938, S. 238.

² “Полн. собр. соч. В. Шекспира в 4-х томах, т. I”. Изд-во Южнорусское книгоиздательство Ф.А. Югансона. Киев – Петербург – Харьков, 1902, стр. 369.

³ В. Шекспир. Избр. Произв. ГИХЛ, М.-Л., 1950, стр. 285.

Пешонаси очик ҳолда кўмдилар уни...
Оҳ, курсин менинг шўрим, шўрим курсин!
Кўзимиздан оиб турган ёшлар тўлкини
Уни босган тоқ сингари тупрокни ювсин!..
Хайр энди каптарчам!¹

Нихоят, М. Лозинский таржимаси асосида ўзбек тилига шеърий йўлда қайта ўгирилган (М. Шайхзода) трагедияда кўшиқ қуйидагича кўринишга эга:

Офелия (ашула айтади) —

Очик эди тобути,
Олиб кетишди дарҳол,
Кўп йиғлашди одамлар
Кўзичоғим яхши қол!²

Офелиянинг дилларни ларзага солувчи, В. Г. Белинский айтганидай, аниқ бир маъно-мазмундан ҳоли, лекин чуқур туйғу билан суғорилган мунгли рози рус тилига ҳам, ўзбекчага ҳам такрор таржималарда турлича берилиши лирик асарларни умуман бошқа тилда қайта яратиш ғоят қийин эканлигини кўрсатади.

My dove рус тилига *мой голубь* (каптарчам) деб ўгирилаверади. Бирок ўзбек тилида *каптар* деганда фақат қушни, яъни парранданинг бир турини тушунадилар. Бизда бу сўзнинг ҳеч қандай эркаловчи маъноси йўқ. Шу сабабдан Мақсуд Шайхзода *my dove* (Шекспир) — мой голубь (П. Каншин, М. Лозинский) — каптарчам (Чўлпон) таржимасидан воз кечиб, уни *қўзичоғим* образи билан алмаштиради. Умуман олганда, бундай тадбир: сўзни— сўз билан эмас, образни — образ билан алмаштириш шу ўринда

¹ В. Шекспир. Ҳамлет. Нарсий таржима. Давлат нашриёти, Тошкент – Самарқанд, 1934, 101-бет.

² М. Сулаймонов. Опыт научного обобщения проблем художественного перевода в аспекте сопоставительной стилистики. Автореферат канд. дисс., Ташкент, 1974, стр. 17-18.

мақсадга мувофиқ. Лекин масаланинг бошқа томони бор: ўзбекларда ҳеч қачон ушоқ одам ёши катталарни «қўзичоғим» деб эркалатмайди (хусусан, марҳум отага қарата қизи бундай мурожаат қилмайди). Лекин шуни айтиш керакки, таржимонда ҳам етарли асос бор: воқеа нормал шароитда эмас, балки ўзига хос, истисноли бир ҳолатда содир бўлмоқдаки, ақлдан озган Офелиянинг марҳум отага нисбатан бундай мурожаати фожиани янада чуқурлаштиради, таъсирчанликни янада оширади.

Сўз танлаш муаммоси

Таржимада сўз танлаш муаммоси таржиманинг асосий қурилиш материали ҳисобланади. Бирон бир тил ҳақида гапирганда, энг аввало, ўша тилнинг сўз бойлиги кўз ўнгимизга келади. Тилнинг лисоний қувватини ҳам ана шу сўзларнинг нечоғли ранг-баранглиги белгилайди. Сўз ўзининг асосий луғавий маъносидан ташқари муайян бирикма таркибида келиши ёхуд бирон бир контекст тақозоси билан бошқа кўчма маънолар ҳам англатиши мумкин. Буни «полисемия» (инг. polysemy) деб юритилади. Даниялик тилшунос олим Ясперсен, «полисемиядан маҳрум бўлган тил лингвистик дўзахга айланган бўларди»¹ - деган эди. Ана шу хусусиятларни тиллараро қиёсланадиган бўлса, бир-бирига қардош тилларда ўзаро яқинлик ва полисемантик уйғунлик кўпроқ кўзга ташланади. «Узоқ, қардош бўлмаган тиллар эса бир-бири билан полисемантик уйғунлиги бор-йўғи 10 фоизга яқин келади, ҳолос».²

Полисемантик ҳодисаси фақат чет тилларидан кирган сўзлар ҳисобигагина эмас, балки муайян тилнинг ички имкониятлари ва тараққиёти натижасида ҳам шакллана боради. Айрим сўзлар эскириб, истёъмолдан чиқиб борса, кўпларининг маънолари ўзгариб, кенгайиб боради.

Таржимон учун сўз танлашнинг машаққати яна ҳам кўпроқ. Чунки у оригинал асар муаллифи сингари ўзи хоҳлаганича қаҳрамонни тасвирлай олмайди, унинг сўз танлаш имконияти фақат аслиятга боғланган, унинг доираси, чегарасидан чиқиб кетолмайди. У ўз тили, таржима тилидагина чинакам ижод қилиш, аслиятини ўз тили воситалари билан қайта яратиш имкониятига эга.

Ўзбек тилида «бош» ва «калла» каби синоним сўзлар бор. Буларнинг ҳар бири тегишли мақсадларда қўлланилади. Лекин рус тилида уларнинг ҳар иккаласи ҳам асосан «голова» сўзи билан ишлатилади. Масалан, *он всему делу голова* русча иборасини ўзбек тилига у ҳамма ишга калла деб таржима қилиб бўлмайди, бунда «калла» сўзи салбий маъно касб этиб, кесатик, киноя

¹ O. Jaspersen. Mankind. Nation and Individual from a linguistic point of view, Oslo, 1925, p. 89.

² /Саломов. Тил ва таржима. Тошкент, Фан. 1966, 165-б.

маъноларида келади. Шунинг учун унинг синоними «бош» сўзини танлаш мақсадга мувофиқ. Шунда русча иборанинг ўзбек тилига таржимасида тўла муқобил варианты у ҳамма ишга бош ибораси билан ўгирилади. +изиғи шундаки, немис тилида «бош» билан «калла» худди ўзбек тилидагидек, бошқа-бошқа сўзлар билан берилишини кўриш мумкин:

1. Haupt der Kopf des Menschens;
2. der Kopf des edlen Tieres;
3. der an der Spitze der Gruppe von Menschen steht und sie führt
Oberhaupt.

(1. Инсоннинг боши; 2. ҳайвонлар подшоҳи; 3. инсонлар гуруҳига бош бўлмоқ, раҳбарлик қилмоқ).¹

Кўпинча муайян бир сўзнинг кўчма маъносига асосланган ибора бошқа тилларда айнан мос келмайди. Руслардаги *худа глаза глядят* иборасини ўзбек тилида *боши оққан томонга*, уйғур тилида эса *пут тайган яққа* деб ўгирилади. Демак, рус тилидаги *глаза* (кўз), ўзбекчада *бош*, уйғурчада эса *пут* (оёқ) сўзлари билан муқобил бўла олади.²

Л.Н.Толстойнинг «Анна Каренина» романида *хорошо* сўзининг қандай маъноларда келиши ва таржимада улар қандай сўзлар билан берилганлигини кўрайлик:

1. «Потом сказал Кити о том, что она очень *хороша* сегодня»,
«Кейин Кити бугун жуда ҳам *очилиб кетганлигини* айтди».
2. «-*Хороши* вы! – обратилась она к Левину».
«Кейин Левинга қараб: - *Чакки эмассан!*, деб қўйди».
3. «-Я то *хорош*! Я затем приехал...Неприменно приезжай нўнче ко мне обедать».

«- *Эсим қурмасин!* Сени айтгани келувдим-ку... Бугун албатта меникига тушлик қилгани келарсан».

4. «-Ну, *хорошо, хорошо!* Погоди еще, и ты придёшь к этому...»

¹ Langenscheidts Grosswoerterbuch. Deutsch als Fremdsprache. Berlin-Muenchen. 1997, S-446.

² Русско-уйгурский словарь, под редакцией М.Р.Рашимова, ГИС, М., 1956, стр. 206

«-Хайр, хўп, хўп!» Сен ҳам бир куни эшигимни қоқиб қоларсан...».

5. «- А я забылась, Костя! – сказала она ему. – И мне так *хорошо* теперь».

«- Ҳеч нарсани билмай ётиб қолибман, Костя! – деди Кити унга.

- Энди қушдайман».

Хорошо - очилиб кетмоқ

- чакки эмас

- эсим қурмасин

- хўп

- қушдай

Таржимон контекстга қараб қандай сўз танлаш лозимлигини аниқлайди. Таржима қилишдан мақсад, иккинчи тилга сўзлар силсиласини кўчириш эмас, балки уларнинг маъзида яшириниб ётган маънони рўёбга чиқариш.

«Асардаги ҳар бир сўз, деб ёзган эди машҳур адабиётшунос С. Ҳусайн, - унда тасвирланган ҳар қайси образ ва персонажни унинг ким, қандай одам ва қайси тоифага мансублигини кўрсатувчи бир ойнадир. Агар ана шу ойна ёзувчи берганича тилимизга кўчирилмас экан, ўзбек ўқувчиси кучли маҳорат билан тасвирланган воқеа-ҳодисаларни хира ва қинғир кўзгуда кўради».

Тил бадий асарнинг муҳим шакл кўрсаткичларидан бири ҳисобланиши юқорида айтилди. Таржимада ана шу бош омил ўзгаради, бир тил ўрнини бошқа тил эгаллайди, тил ўзгариши баробарида баъзан услубий силжиш ҳодисаси юз беради. Кўп ҳолларда таржимоннинг ўзи онгли равишда, кўра-била туриб бунга йўл қўяди, ундан тадбир сифатида фойдаланади. Бундай ҳолларда стилизация, яъни услубий мослаштириш ҳодисаси қалқиб чиқади. Мақсад таржима қилинаётган асар воқеаларининг тасвир ва баён тарзига ўқувчини ишонтириш, бунинг табиийлигига унда шубҳа қолдирмасликдир. Услубий мослаштириш, аслида, қалтис ва мураккаб тадбир. Аввало, бунинг учун таржимон муаллифнинг тили, диди, у яшаган давр адабий тилининг нечоғли ишлаганлиги, даврнинг ҳукмрон миллий ва

адабий анъаналаридан пухта хабардор бўлиши лозим. Бемақсад қўлланилган услубий мослаштириш тасвир маромининг табиийлиги ўрнига, аксинча, ноўхшовлик услубий номутаносибликни келтириб чиқарадики, бу ҳикоя қилиш тарзининг чучмал бўлиб қолишига олиб келади.

Услубий мослаштириш, бир чеккаси, таржима принципи, таржимавий концепция билан ўз вий боғлиқ. Чунончи, таржима қандай бўлиши керак деган масалада барча таржимонлар ва назариячилар икки гуруҳга бўлинадилар. Бир гуруҳ таржима оригинал асардай жаранглаши керак деб ҳисобласа, бошқалар таржима таржимадай бўлиши лозим деб даъво қиладилар. Бу эса, ўз навбатида, таржимага яна бошқача қарашни келтириб чиқаради: баъзилар таржимон ўз услуби билан таржима қилиши керак, яъни бунда унинг «ўзлиги» ҳам сезилиб турсин, деган талабни илгари сурадилар: бошқалар эса, аксинча, таржимон авторнинг қиёфасига шунчалик киришиб кетсинки, ўзини умуман унутиб юборсин (бутунлай мавҳ бўлиб кетсин), ўзини муаллифга қурбон қилсин, дейдилар (таржимоннинг «фидоийлигини» шу зайлда талқин қилишади). Услубий мослаштириш асарни кўпроқ иримлаштириш, ёзувчини «ўзимизники» қилиш мақсадига хизмат қилади.

Услубий мослаштириш таржимада мунозарали, қалтис иш, деб огоҳлантирилди. Лекин таржимон бундай тадбирга юзланмай иложи ҳам йўқ. Мабодо «Фауст» ёки «Илоҳий комедия»ни бўёқсиз, «расмана» тилга таржима қилинса, бундай «тўғри» таржиманинг ўзи ҳам сохта бўлиб қоларди. Чунки биз юз, минг йиллар олдин яшаган ёзувчи ёки шоирни таржима қилганда, уларнинг сиймосида қанчалик ўз замондошларимизни кўришга интилмайлик, улар бизга давр эътибори билан замондош эмас. Умуминсоний, ўлмас тараққийпарвар ғоялар, фикрларни ёзиб қолдириши тарафидангина биз уларни руҳан ўзимизнинг замондошларимиз деб қабул қиламиз. Бироқ таржимада, уларни ўз замин у замонасидан ўз иб олиб, уларга XXI аср тилининг барча хусусиятларини юқтирсак, шунинг ўзи услубда сохтакорлик бўлади.

Одатда, услубий мослаштириш принципини инкор этувчи мутахассислар шундай эътироз билдирадilar: айтайлик, Шекспир ҳозир биз учун ўтмиш драматурги, классик бўлса-да, ўз замонасида қандайдир кўҳна тилда ёзмаган, балки ўз замонасининг иллатларини ўз замондошларига ўз даврининг адабий тилида тасвирлаб берган, бинобарин, у барчага тушунарли эди. Бас шундай экан, нега биз унинг сиймосида унча тушунарли бўлмаган, қандайдир сирли ижодкорни кўришимиз керак?

Бундай эътироз жўяли. Чиндан ҳам, Ҳамлет отасининг арвоҳига юзланиб:

Эй илоҳий азизлар, нажот берингиз,
Сен руҳи яздонмисан, ё зилли шайтон?—

деб мурожаат қиларкан, атиги икки мисрада арабча *яздон* ва *зилл* сўзлари келадики, бу бизнинг китобхонга ёки томошабинга тушунарли эмас. Нега *яздон* ўрнига *худо*, *зилл* ўрнига *соя* (ёки кўланка) сўзларини қўллаб бўлмас экан?

Бундай қараш тарафдорларининг эътирозига эътироз билан жавоб беришга тўғри келади. Шекспирни ўз замонасида ҳам барча барабар тушуна олмас эди. Мутахассисларнинг гувоҳлик беришича, у ўз даври кишилари, замондошларининг наздида ҳам сирли эди. Нега энди уни ўз замондошлари тушунмай қийналишган экан-у, биз «тушунишимиз» керак? Иўқ, сирлилиқ ҳам санъат сирларидан биридир. Эҳтимол, санъат асаридаги барча нарсани ҳамма «тушунаверса», у санъат намунаси булмасди. Таржимада содда нарсани мураккаблаштириш қанчалик мантиқсиз уриниш бўлса, мураккаб нарсани соддалаштириш ҳам ҳудди шундай беҳуда уриниш бўларди. Бас, Шекспирни ХХI аср даражасига «кўтариб», услубан қуйига «тушириш» ярамайди, балки ўз мавқеида сақлашга, ўз сирли санъати, «ғалати» тилида гапиртиришга интилиш айна табиийдир. Юқоридаги иккита калима масаласига келганда шуни айтиш керакки, ҳар бир сўз , жумла, ибора,

таркиб, истилоҳ ва ҳоказолар мавзу, контекст, услуб, асарнинг умумий оҳанги, вазни ичида яшайди ва уларнинг ҳар бири ўз ўрнида вожибдир.

«Рамаяна»да услуб, ифода тарзи айни асар ёзилган адабий жанр, унинг яратилиш даври, дostonда ҳикоя қилинаётган воқеа-ҳодисаларнинг табиатига мос бўлгани учун таржимада мавжуд нарсаларнинг барчаси табиий, ишонарли, завқ бахш.

Рус таржимони «Джанакa был бездетен» (391) деса, ўзбек таржимони «Жонак тирнокка зор эди» (15) дейди; рус таржимони Вишвамйтрани «знаменитый подвижник», «великий отшельник» иборалари билан таърифласа, ўзбекчада у *машҳури офоқ, донишманд, зоҳиди замон* деб тавсифланади.

*И зонт его круглый увидела Джанаки дева,
И посох тройчатый висел на плече его слева (436).*

*Жонак дилбанди кўрди шамсияи расони,
Чап кифтида осиглиқ уч бўғимлик асони (56).*

«Зонт» сўзини *шамсияи расо* (тик офтоб, яъни тўғри ёғочга юмалоқ шаклда мато ўрнатиб ясалган соябон) деб ўгириш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди. Дарвоқе, тилимизда ҳозир «зонт» бемалол ишлатилади, жилла бўлмаганда *соябон* деб қўлланса ҳам бўларди, «шамсияи расо» қаердан пайдо бўлди? Чамаси, бу иккинчи мисрадаги *асо* калимасига қофия қилиб тиркаш учун атайин тўқилган бўлса керак? деган мулоҳазалар туғилиши мумкин. Йўқ, ундай эмас. Гап қаландар устида кетяпти. Зонт кўтариб юрган... қаландар ёки дарвешни ким кўрибди? «Рокшасалар сарвари», «авлиё», «қўлда қабза-ю кашкул» и билан у... «зонт» кўтарганида, бундай алфозни тасаввур этиш жуда кулгили ва ғайри табиий бўларди!

Таржимон услубий мослаштириш тадбирини қўлаганида, ўқувчига, дафъатан, ҳамма нарса тушунарли бўлавермайди. Лекин «Рамляна»да

сирлилик коэффиценти меъёридан ошиб кетмаган, негаки, услублаштириш тақозоси билан киритилган ёки яратилган бундай истилоҳлар, иборалар умумий контекст ичида бемалол англашиларли. Ҳикоя қилинаётган воқеа оқими ёхуд асарнинг умумий контексти муҳотида маъно-мазмун тушунарли бўлмаган унсурларга эса китоб охирида мукаммал изоҳлар берилган. Улардан ҳам топиб бўлмайдиганларини ўқувчи бошқа манбалардан кидиради. Шубҳасиз, санъат асари асл нусхасида нақадар сирли бўлса, у таржимадан ҳам шундай мураккаб чиқиши лозим. Зеро, мураккаб санъат асарларининг омма тушунадиган даражада соддалаштириб, жўнлаштириб қилинган таржималарини нормал таржима деб бўлмайди. Мураккаб ва мукаммал таржима китобхоннинг фаол мутолаасига мўлжалланган бўлади.

Гапни асл нусхада қандай берилган бўлса, айнан ўшандайлигича, сўз-ма-сўз таржима қилиб бўлмайди Умуман, ҳижжалаб ўгириш соғлом бадий-эстетик таржиманинг руҳи ва талабига зид. Бинобарин, таржима жараёнида гапнинг қурилиши маълум даражада, баъзан бутунлай ўзгаради. Таржимада сўзларнинг ўрни асл нусхага нисбатан олиб қараганда айрим ҳолларда батамом алмашиб кетиши мумкин, Айрим тил унсурлари таржимада ўз ўрнини топмайди, яъни умуман берилмай қолади, баъзи бир лексик-грамматик унсурлар қўшилади ёки ўзгаради.

Булар барчаси, агар таржима қилинаётган асарнинг мазмуни, руҳи, услубига зарар етказмайдиган бўлса, таржима учун нормал ҳол ҳисобланади. Таржимада фикрнинг қобиғи эмас. мағзи, шакли эмас, мазмуни, сўзлар тизмаси эмас, бадий-эстетик борлиғи акс эттирилади.

Таржимада асарнинг шакл хусусиятлари аҳамиятсиз, уларни эътиборсиз қолдирса ҳам бўлавераркан, деб ўйлаш хато. Дуруст таржимада асл нусханинг формал мантиқий – грамматик кўрсаткичлари, сўз бирикмаларининг категориал белгилари, тур, тус, майл, жинс кўрсаткичлари эмас, балки улар воситасида ифодаланган фикр, маъно етакчилик қилади. Зеро бунда муайян сўз туркумлари ёки гап бўлаклари тамомила бўлак грамматик унсурлар, категориялар билан ифодаланиши ҳам мумкин. Аммо

бу айтилганлардан асл нусхадаги гапнинг мазмуни таржима учун ҳам муҳим экан, ана шу мазмун қай тарзда, қандай йўсинда ифодаланиши муҳим эмас, деган тезисни мутлақо илгари суриб бўлмайди. Чунки муайян грамматик шакл ифодаланаётган маълум бадиий-эстетик мазмуннинг либоси экан, таржимада буни назардан соқит қилиш мумкин эмас.

Рус тилида «мать» сўз и «мама», «мамаша», «маманя», «мамуля», «мамочка» ва ҳоказо шаклларда истифода этиларкан, ўзбек тилида уларнинг ҳаммасини, фарқлаб ўтирмай, сидирғасига *она* деб ўгиравериш тўғри бўлмайди. Чунки бизда ҳам, ўрнига қараб, *она, оий, волида, онажон, онагинам, онажонгинам* деб мурожаат этадилар. Шунингдек, *ота* сўзини ҳам *надар бузрук, падари бузруквор, қиблагоҳ* ва ҳоказо қабилида ишлатадилар. Таржимада энг майда грамматик унсурнинг ҳам (-гина, -кина, -вачча, -жон, -хон, -вой, -ой...) маъно жилвалари албатта ҳисобга олиниши лозим.

Гапни олайлик. Асл нусхада у ёйиқ гапми ёки йиғиқ гапми, содда гапми ёки қўшма гапми, дарак, сўроқ ёки ундов гапми — буларнинг ҳаммаси, яъни умуман грамматик шакл шу гаплар воситасида баён қилинаётган мазмун ёинки ифода этилаётган фикр билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Гап қурилиши асл нухага нисбатан маълум даражада мувофиқ грамматик таркиб билан бериладими, ё бўлмаса унинг синтактик қурилмасини синдириб, парчалаб юбориладими — асл нусха услубининг нечоғли тўғри акс эттирилиши шунга ҳам боғлиқ бўлиб қолади. Буни ҳеч қачон шаклбозлик, формализм билан қориштирмаслик керак. Асарнинг барча лексик-грамматик шаклий аломатларини оқизмай-томизмай кўчиришни талаб қилиш, шубҳасиз, формализмга олиб келади ва бу реалистик таржима принципига, унинг руҳига бус-бутун ёт. Лекин ана шу шакл хусусиятлари замирида ўз ифодасини топган услуб нафосати, манзаранинг яхлитлиги ва баён қилинаётган фикрнинг салмоғини бериш таржиманинг асосий вазифаларидан биридир.

Таржимада ўзга тилнинг синтактик чизмасидан нусха кўчирилмайди. Айни вақтда бадиий тасвир услубининг асосий воситаларидан бири асл

нусханинг синтактик қурилмасида ўз ифодасини топади. Бу хусусиятни акс эттирмай туриб, муаллиф услубини бериб бўлмайди. Бундан ташқари, бадий тасвирга хос белгилардан — маром (ритм), такрор, сўз тартиби, инверсия, мантикий урғу, сажъ ва ҳоказолар ҳам асл нусха услуби билан чамбарчас боғлиқдир. Буларни таржимада четлаб ўтиш оригиналнинг бадий таъсир қувватини сезиларли даражада сусайтиради.

«Таржимоннинг яхши илғаб олиш қобилияти ёзувчининг овозини эшитишга қодир,— деб ёзади проф. М. Морозов.

Аслида, жумланинг синтактик тасвир бутунлигини акс эттириш жуда қалтис иш, негаки, эҳтиёт бўлинмаса, гапнинг шаклига маҳлиё бўлиб, унинг мазмунига путур етказиб қўйиш мумкин. Бунинг устига, рус ва ўзбек тиллари ўз грамматик қурилиши эътибори билан тубдан фарқ қилади. Гап ичида сўзлар, иборалар, бирикмалар тартиби, урни бир-бирига айнан мос келиш ҳоллари жуда камдан-кам учрайди. Шу сабабдан таржимада гапнинг синтактик қурилишига унчалик риоя қилинмайди, катта гапларни бир неча бўлақларга ажратиб юборилаверади. Таржима амалиётида бу одатий бир нарсга айланиб қолган. Бироқ, юқорида қайд этилганидай, гапнинг парчаланиши маънога таъсир этмай қолмайди, фикр яхлитлиги, тасвир бутунлиги, оҳанг салмоқдорлигига маълум даражада шикаст етади. Бу ҳавфни ҳисобга олган тажрибакор ўзбек таржимонлари иложи борица синтактик тарзнинг бутунлиги ва кўламдорлигини сақлашга ҳаракат қиладилар.

Қодир Мирмуҳаммедов «Декамерон» таржимасида жумла тузилиши тароватини маънога ҳалал етказмаслик шарти билан ифодалашнинг жуда яхши намуналарини берган. Қуйида бир мисол келтирамиз.

«Однако по воле того, кто, будучи сам бесконечен, установил незыблемый закон, согласно которому всё существующее .на свете долженствует иметь конец, пламенная любовь моя, которую не в силах были угасить или хотя бы утишить ни моё стремление побороть её, ни дружеские увещания, ни боязнь позора, ни грозившая мне опасность, с течением

времени сама собой сошла на нет, и теперь в душе моей осталось от неё лишь то блаженное чувство, какое она обыкновенно вызывает у людей, особенно далеко не заплывающих в бездне её вод, и насколько мучительной была она для меня прежде, настолько же ныне, когда боль прошла, воспоминания о ней мне отрадны!»¹.

Таржимаси:

«Бироқ ўзи боқий бўла туриб, жаҳондаги жамики мавжудотнинг омонат эканлиги ҳақида амр қилган эгамнинг иродаси билан, менинг оташ муҳаббатим,— қайсики, на уни маҳв этишга бўлган интилишим, на дўстларимнинг ўғитлари, на бадномликдан қўрқиш туйғуси, на менга таҳдид қилиб турган хавф-хатарлар сўндира олган, ҳеч бўлмаса, алангасини пасайтиришга ҳам қурбон етмаган оташ муҳаббатим, — вақт ўтиши билан ўз-ўзидан сўниб қойиб бўла бошлади ва эндиликда вужудимда у нарсадан шундай бир девонаваш ҳиссиёт қолдики, одатда бундай ҳиссиёт муҳаббат гирдобининг теран ерларига шўнғимайдиган одамларда вужудга келади, бинобарин, бу муҳаббат жафоси авваллари қанчалик изтиробли бўлган бўлса, эндиликда унинг фақат аламли асорати қолгандан кейин, у ҳақда хотирлаш мен учун шунчалик қувончли бўлиб қолди».

Русча аслидаги 101 та сўздан таркиб топган бир яхлит гап ўзбек тилида 105 та сўздан тузилган шундай гап билан жуда моҳирона ағдарилган. Масала сўзларнинг миқдорида эмас, балки фикрнинг яхлитлиги, мазмуннинг теранлиги табиий равишда жаранглаётганидир. «...По воле того, кто, будучи сам» жумласида «того», «кто», «сам» олмошларини шу тарзда олмош билан сираям бериб бўлмайди, шунинг учун таржимон олмошни конкретлаштирган, «атаган»: эгам. Русча-ўзбекча бир томликда «бесконечный»— *бениҳоя, чекси, ҳадсиз, охири йўқ, битмас-туганмас, узундан-узоқ* сўзлари билан берилган. Аммо «эгам»га нисбатан бу ўринда луғат тавсия этган сўзлар мувофиқ келмайди. Тўғрироғи, муаллиф муддаосини ўша сўзлардан биронтасидан фойдаланиб ифодаласа ҳам бўлади.

¹ Джованни Боккаччо. Декамерон. Пер. Н. Любимова. М., 1970, с 29.

Бироқ таржиманинг ўз мантиқи, таржимоннинг ўз талаби бор. Маънога қараб бу «абдий, доимий, мангу» тушунчаларини ифодаловчи *боқий* сўзи билан, «конец» (охир, интиҳо) эса *омонат* деб ўгирилган.

Одатда, унчалик муҳим деб топилмайдиган кириш сўзлар, қўшимчалар, юклама ва ундовлар ҳамда шу каби ёрдамчи луғавий унсурлар таржимада ё оқибатсиз қолдирилади, ё бўлмаса муайян доимий муқобиллари билан алмаштирилади. Қодир Мирмуҳаммедов бу масалада ҳам таржиманинг янги-янги имкониятларини очди, ҳозиргача истифода этилмайдиган аллақанча луғавий бойликларни ишга солди, «эскирган» деб тамға босилган сўз, ибора ва таркибларга янги ғаёт бағишлади. Масалан: «но»—*илло*, «так как» (30) — *азбаски* (8), «милый» (116) — *тасаддуқ, ўргилай* (96), «как скоро» (567)—*алқисса* (573) ва ҳоказо. Булардан ташқари, «неблагодарность»—*кўр-намаклик*, «причуды»—*хурмача қилиқ*, «как известно» (30) — *маълумингизки* (9) тарзида яхши ағдарилган.

— «Всякое дело, милейшие дамы, какое только не замыслит человек, должно совершать во имя того, кто положил начало всему сущему, имя же его чудотворно и свято. Вот почему и я, раз уж мне выпал жребий открыть наши собеседования, намерен поведать вам одно из поразительных деяний, дабы, мы, услышав о таковом, положились на него, как нечто незыблемое, и вечно славили его имя» (50).

— «Дилнавоз хонимлар, одамзод тахайюл қилган ҳар қандай иш, жамики мавжудотнинг ибтидосини бунёд этган парвардигор йўлида бажарилмоғи лозим. Зеро унинг номи пуркаромат ва муқаддасдир. Мана шу боисдан, баски, мусоҳабамизни очиш менинг зиммамга тушган экан, мен ҳам эгамнинг ғоят ҳайратангиз ишларидан бирини баён этмоқчиманки, сиз унинг тинглаб, унинг устуворлигига астойдил ишонинг ва тоабад унинг номига ҳамду сано ўқинг» (28).

Эътибор қилинг:

милейшие дамы

дилнавоз хонимлар,

замыслил	тахайюл қилган,
человек	одамзод,
того	парвардигор,
начало	ибтидо,
сущему	мавжудотнинг,
чудотворно	пуркаромат,
свято	мукаддас,
вот почему	шу боисдан,
раз уж	баски,
мне выпал	менинг зиммамга тушган,
собеседования	мусохабамиз,
поведать	баён этмоқчиман,
поразительных	хайратангиз,
деяния	ишлари,
положились на него	астойдил ишонинг,
незыблемое	устуворлигига,
вечно	тоабад,
славили	ҳамду сано ўқинг.

Келтирилган матн луғатига бошдан-оёқ услубий «бўёқ» берилган.

Таржимоннинг билими кенг, луғат бойлиги катта эканлиги кўриниб турибди.

Товламачи, бузўқ жувон «Фьордализе» хонимнинг хизматкори рус тилида «служанка» дейилса, буни Қ. Мирмуҳаммедов *канизак* деб олган; «знатная дама» (111) — *нажиба хоним* (91), «сударыня» (112)—*ойимтилла* (92), *хоним афанди* (93) деб ўгирилган. Таржимон ҳар бир сўзни ўз ўрнига қараб қўллайди. Масалан, Андреуччо нотаниш қизга бузук ният билан қарар экан, у «ойимтилла», шубҳали «опаси» сифатида мурожаат қиларкан, сипороқ муомалага ўтади, энди у «хоним афанди»га айланади (рус тилида ҳар икки ҳолда ҳам айни «сударыня» сўзи келган).

Мутаржим ҳар бир сўз, тафсилот, детални иложи борица акс эттиришга ҳаракат қилади, лекин шу билан баробар, иложи борица ҳижжалаб

ўғиришдан қочади. У таржимада мисоли шундай принципга амал қиладики, «сўзни — сўз билан» эмас, балки «маънони — маъно билан» қоплайди. Маъно сўздан ташқарида ёки сўз маънодан хорижда бўлмайди. Бовужуд, турли тилларда айтилиб бериладиган бир тушунчани бошқа-бошқа сўз билан ифодалаш ёки айтилиб бериладиган бир сўз бошқа-бошқа маъноларни бериши ҳам мумкин. Бундан ташқари, айтилиб бериладиган бир ҳодиса турли халқларда ҳар хил талқин этилиши ҳоллари ҳам кўп учрайди. Бу ҳар бир халқнинг моддий ҳамда маънавий турмуш шароитларига боғлиқ.

Хуллас, Қ. Мирмуҳаммедов ҳижжалаб таржима қилишга қарши бўлгани ҳолда, ҳар гал услубан, баён тарзи йўриғидан «ҳудди шундай ҳолатда ўзбеклар қандай гапирган бўлардилар?» деган мулоҳаза билан иш кўради.

Тўққизинчи куннинг тўққизинчи ҳикоятидан бир мисол: «Я гость, мне не пристало прекословить хозяину» (575). Бу: мен меҳмонман, хужайин билан ади-бади айтилиши менга чикора, дегани. Таржимон эса фақат жумлага, абзацга, саҳифа ёки бутун новеллага ҳам эмас, яхлит асар контекстига қараб иш кўради. Кимда-ким бирон абзац ёки жумлани алоҳида ажратиб олган ҳолда, ундан асл нусхага нисбатан номувофиқликлар топса, шу асосда таржимонни қўйиб бўлмайди. Таржимон бошда қатъий принцип, йул, тадбир танладими, бу нарсаси асарнинг охиригача изчил давом этади, ҳар галги ҳар бир хусусий масала ўша умумий андозада ҳал этилади.

Юқорида келтирилган мисол таржимада мана бундай кўринишга эга: «Мен — меҳмонман, мезбоннинг раъйига юришим шарт» (570). Дастлабки икки сўздан ташқари, қолган тўртта калима русча таржимага ҳам, унинг юқоридаги дастлабки ўзбекча талқинига ҳам айнан тўғри келмайди. Хонадон соҳибини бизда меҳмонга нисбатан қараганда *мезбон* дейдилар, бас, русча «хозяин» сўзини ўзимиздаги тайёргина *хўжайин* билан алмаштириб қўя қолиш билан таржима бўлмайди.

«Декамерон» таржимаси тилининг бойлиги, луғатининг рангбаранглиги, услуби латифлигини унда ҳар бир ҳикоя бошида келадиган гўзал хонимларга мурожаат формаларидан ҳам билса бўлади (XI—128, 129).

Ўзбек тилида маҳбубаларга нисбатан қўлланилган сифатларни бир кўздан кечирайлик: *дилрабо* (1), *дилнавоз* (2), *муҳтарама* (3), *шойиста* (4), *азиз* (5), *дилкаш* (6), *дилором* (7), *латофатли* (8), *эъозли* (9), *латифа* (10), *малоҳатли* (11), *соҳибжамол* (12), *дилбар* (13), *мафтункор* (14), *навниҳол* (15), *жозибадор* (16), *дилрабо* (17), *пуршафқат* (18), *хушфеъл* (19), *фусункор* (20), *пурлатофат* (21), *лобар* (22), *илтифотли* (23), *лазиза* (24), *бебаҳо* (25), *маишхура* (26), *марҳаматли* (27), *нажиба* (28), *оқила* (29), *соҳибилтифот* (30), *меҳрибон* (31), *раҳмдил* (32), *хуштабиат* (33). Гўзалларнинг таърифини ифодаловчи ўттиздан ортиқ сифат! Мана шу луғавий-услубий омилнинг ўзиёқ тилимизнинг оламжаҳон луғавий-услубий потенциалга эга эканлигини, умуман, «Декамерон» таржимаси ўзбек тилининг бошқа ҳар қандай етук адабий тил билан таржима майдонида «беллаша» олишга қодир эканини яққол кўрсатади.

Ёзувчининг образлар олами, фалсафий мушоҳадалари, ўзига хос такрорланмас, беназир услуби, мураккаб, яхлит, фасиҳ, синтактик манзараларини чуқур ҳис этмаган таржимон эса ифодавий ланжлик, мантикий мубҳамликни келтириб чиқариши ҳеч гапмас.

Таркиби рангга оид элементлардан иборат фразеологик бирикмаларни адекват таржима қилиш усуллари

Таржимада ФБнинг луғавий маъносини тўлақонли ифода қилиш аслият тили билан таржима тилининг ўзаро муносабатларига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан биз таҳлил қилаётган ФБларни қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Таржима тилида контекстан қатъий назар айнан ўхшаши, муқобили мавжуд бўлган ФБлар;
2. Таржима тилида уларга маъноси билан яқин аналоглари мавжуд ФБлар;
3. Таржима тилида на эквиваленти ва на аналоглари учрайдиган ФБлар.

Ушбу таснифдан келиб чиқиб, соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, ФБларни ё фразеологизм билан (биринчи икки гуруҳ) ўгирилади ва буни фразеологик таржима дейилади, ёки (фразеологик эквивалент ёхуд аналог бўлмаган тақдирда) бошқа усуллар билан ўгириш мумкин ва буни нофразеологик таржима дейилади.

Шундай қилиб, биринчи гуруҳга таржима тилида тўла эквивалентига эга бўлган, яъни бир хил маъно, бир хил стилистик бўёққа ва ички тузилишга эга бўлган ФБлар киради: Масалан,

black as coal (as ink, as night); рус. чёрный как уголь (как чернила, как ночь); ўзб. кўмирдек қоп-қора (сиёҳдек қора, тим қоронғу (қора) тун);

black ingratitude; рус. чёрная неблагодарность; ўзб. нонқўрлик, тузини еб тузлиғига туфлаш;

red as blood; рус. красный как кровь; ўзб. қондек қизил;

Red Cross; рус. Красный Крест; ўзб. Қизил Хож (1864 йилги Женева конвенциясига мувофиқ ташкил этилган тиббий хизмат);

like a red rag to a bull; рус. как красная тряпка на быка; ўзб. буқага қизил латтадек;

yellow press; рус. желтая пресса; ўзб. сариқ матбуот (миш-мишлар босилиб чиқадиған газеталар);

look at smth. through rose-coloured glasses; рус. смотреть на что-либо сквозь розовые очки; ўзб. рангли(пушти) кўзойнак ортидан қарамоқ (ҳамма нарсани идеаллаштирмақ, яхши деб қарамоқ, камчиликларни кўрмаслик);

green with envy; рус. позеленевший от зависти; ўзб. ҳасаддан ўлмоқ;

white flag; рус. белый флаг; ўзб. оқ байроқ (таслим бўлиш белгиси).

Юқорида келтирилган мисоллар фразеологик эквивалентлардир, яъни таржима тилидаги фразеологизмлардир. Улар таржима тилидаги фразеологизмларга тўла, абсолют эквивалентдир ва ушбу мисоллар фразеологик эквивалентларга нисбатан юксак талаб қўяди. Инглиз, рус ва ўзбек тилларида бундай бевосита эквивалентлар унчалик кўп эмас.

Иккинчи гуруҳга тўла бўлмаган ёки қисман эквивалентлар киради. Бундай ФБлар маъноси яқин бўлса ҳам, лекин ички тузилишининг образлилик характери ўзгача бўлади. Бу каби эквивалентлар нисбий фразеологик эквивалентлар деб юритилади. Аслиятдаги ФБлардан улар баъзи жиҳатлари билан фарқланади: бошқа синонимик бирикмалар, шаклда жузъий ўзгаришлар, синтактик тузилишда ноўхшашликлар, морфологик боғланишда ўзгаришлар ва ҳоказо. Қолган жиҳатлари билан уларнинг таржима қилинаётган ФБлардан фарқи йўқ. Масалан,

paint a black picture; рус. в чёрном цвете; ўзб. қора бўёқларда;

to be in a black book; рус. чёрная книга, черный список; ўзб. қора рўйхат;

yellow belly; рус. желторотый птенец; ўзб. жўжаҳўроз;

golden opportunity; рус. блестящая возможность; ўзб. зўр имконият;

kill the goose that laid/lays golden eggs; рус. убить курицу несущую золотые яйца; ўзб. олтин тухум қўядиган товукни ўлдирмоқ (фойда келтираётган манбани, кимсани йўқ қилмоқ);

grey cells/ matter; рус. «серое вещество» мозговые извилины; ўзб. «кулранг модда» мия қатиғи;

white lie; рус. невинная ложь, ложь во спасение; ўзб. зарарсиз ёлгон, ўзини қутқариш учун ишлатилган, айб саналмаган ёлгон.

put down in black and white; рус. написано черным по белому; ўзб. оқ-қора ёзилган, аниқ равшан айтилган гап, оқ-қорада кўрсатиб қўйилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур усулни қўллашда фразеологизмнинг эмоционал – экспрессив бўёғини ҳисобига олиш керак. Аслият тили ва таржима тилида ҳеч қандай узвийликка эга бўлмаган ФБларни образли аналог топиш йўли билан таржима қилиш имконияти борлигининг сабаби, улар асли сийқаси чиққан иборалар бўлиб, тил соҳиби уларни қабул қилиши ёки қилмаслиги ҳам мумкин.

Нихоят, учинчи, энг кўп сонли гуруҳга эквивалентсиз фразеологизмлар киради. Уларни таржима қилишда нофразеологик усул қўлланилади.

Нофразеологик таржимада ФБни фразеологик эмас, лексик воситалар билан ўгирилади. Бу усул ҳеч қандай эквивалент ёки аналог топиш имконияти йўқ ҳолатларда қўлланилади. Бундай таржимани тўлақонли таржима деб бўлмайди, гарчанд контекст эвазига мазмун бирлиги сақланса ҳам, таржимада баъзи йўқотишлар (обралилик, таъсирчанлик) содир бўлади. Шу боис таржимонлар бу усулга жуда кам мурожаат этадилар.

ФБнинг тўлиқ семантик – стилистик, экспрессив – эмоционал ифодасини беришнинг яна бир усули калька, яъни сўзма – сўз таржима қилиш усули мавжуд.

Калька усули билан таржима қилиш учун ФБнинг умумий маъноси билан унинг қисмлари маъноси ўртасида етарли боғлиқлик бўлишини тақозо этади. Бунда сўзма-сўз таржима қилиш усули ФБнинг асл маъносини китобхонга тўлиқ етказиб берган тақдирда калька усули қўлланилади. Калька йўли билан таржима қилиш усулини фразеологик бирикмалар, мақол ва маталлар, идеома, афоризмларни таржима қилишда қўллаш мумкин. Қуйида фразеологик бирикманинг калька йўли билан таржима қилиш усулини кўрамиз: *The grass is always greener on the other side of the hill* инглизча мақолнинг русча тўла эквивалентини кўришимиз мумкин – трава всегда зеленее с другой стороны холма, ўзбекчага эса ҳар жойни қилма орзу, ҳар жойда бор тошу тарозу мақоли билан таржима қилишимиз мумкин.

Таржима қилишнинг яна бир усули тасвирий йўл билан амалга ошади. ФБнинг эквиваленти бўлмаса, калька қилишнинг иложи бўлмаса, тавсифий йўл билан таржима қилишга ўтилади.

Номидан кўриниб турибдики, бунда тасвир воситаларининг барча усуллари, яъни тушунтириш, ўхшатиш, ифодалаш, луғавий маъносини ФБга тенг максимал аниқ ва қисқа ифодалаб ўгирилади. Масалан,

a black eye; рус. синяк под глазом; ўзб. кўзи кўкарган;

be in the black; рус. быть в прибыли; ўзб. даромадда бўлмоқ (фойда кўрмоқ);

be in the red; рус. быть в убытке; ўзб. зиёнда бўлмоқ (зиён кўрмоқ);

be in the pink; рус. выглядеть здоровым; ўзб. соғлом бўлмоқ;

have a yellow streak; рус. быть трусливым, робким человеком; ўзб.

кўрқоқ бўлмоқ, уятчанг одам (ийманмоқ);

blue chips; рус. акции компании, выплачивающей высокие дивиденды; ўзб. юқори дивидент тўлайдиган корхона акциялари.

Баъзида эквивалентсиз фразеологизмларни шундай ўгириш мумкинми, бунда нафақат калька қилиш усули, балки қисқа тарихий изоҳ беришга ҳам тўғри келади. Таржима қилишнинг бу талқини икки йўллик ёки параллел таржима деб номланади.

Инглизлар фойда келтирмайдиган, аксинча беҳуда сарф талаб қиладиган мулк (нарс) ҳақида қуйидаги иборани ишлатадилар: «*White elephant*». Афсонада айтилишича, Сиам подшоҳи душманларини хонавайрон қилмоқчи бўлса, унга фил тақдим этган экан. Маълумки, Ҳиндистон ва Цейлонда фил муқаддас ҳайвон ҳисобланган, уни оғир меҳнатда ишлатиш мумкин бўлмаган, қолаверса, филни парвариш қилиш эгасига қимматга тушган.

Мазкур охирги гуруҳга мансуб барча фразеологизмларни келтиришнинг иложи йўқ, уларнинг сони кўп. Аксарият ҳолларда, бу гуруҳ фразеологизмлари фақатгина у ёки бу муайян тил ва миллат маданиятига хос тушунчаларни ифодалайди.

Инглиз тилининг американча вариантыдан талайгина ФБлар кириб келган. Бунга ягона тил доирасида кузатилётган ҳодиса деб қаралади. Бу ўзлаштирмалар шундай сингиб кетганки, кейинчалик инглиз луғатларида бундай иборалардан сўнг уларнинг инглиз тилининг американча вариантыдан кириб келганлиги тўғрисида белги қўйилмайдиган бўлинди. Мана шундай «американизм»ларга, масалан, қуйидаги иборалар киради:

a / the green light; рус. зеленая улица, свобода действий; ўзб. яшил йўл, ҳаракат эркинлиги;

paint the town red; рус. предаваться веселью, кутуть; ўзб. кайф-сафо қилмоқ.

Мазкур ва шунга ўхшаш американча фразеологизмларни ҳақиқий инглизча ибора деб қабул қилишимиз мумкин. Уларнинг американизмлар эканлиги лексикографик маълумотларга асосланиб ҳамда манбаларни таҳлил қилиш йўли билан исботлаш мумкин. Масалан, *a red cent*; рус. медный грош; ўзб. сариқ чақа.

Фразеологизмлар таржимасида синоним ва маънодош сўзлардан фойдаланиш тадбири

Синоним сўзлардан фойдаланиш оригинал бадиий асар яратишда канчалик муҳим бўлса бадиий таржимада бу омил яна ҳам катта аҳамиятга эга. М. Ю. Лермонтовнинг «Бэла» асаридаги мана бу мисол ва унинг таржимасига диққат қилинг: «Бэла начала печалиться о том, что она не христианка, и что на том свете душа её никогда не встретится с душою Григория Александровича, и что иная женщина будет в раю его подругой»¹. Маълумки, мусулмон динида ривоят қилинишича, эр билан хотин вафот қилганларидан кейин уларнинг танаси ерда чириб кетади-ю, аммо руҳи арши аълога учadi. Ниҳоят, жаннатга кирганида, эрнинг руҳи кўз очиб кўрган хотинининг руҳи билан бирга учрашади. Бэла ўлими олдидан ана шу ривоятни эслаб хўрсинади, у христиан динига мансуб кишига турмушга чиққани учун севган эри билан ўзининг руҳи нариги дунёда учрашмаслигидан изтироб чекади. Демак, бу парчани ўзбекчалаштирувчи кишидан диний архаик сўзлардан яхши хабардор бўлиш, сўзларнинг турли синонимларини билиш талаб этилади. Масалан, текстда ишлатилган *подруга* сўзини *дугона* деб бериб бўлмайди, чунки ўзбекларда фақат хотин-қизларгина бир-бирлари билан дугона бўлишлари мумкин. *Дўст*, *ўртоқ*, *ҳамишра* сўзлари ҳам тўғри келмайди. Таржимон «сирдош дўст, ҳамдам» маъноларини ифодалайдиган *махрам* сўзини топган (НАЛ, 386—387; ЎТИЛ, I, 458). Ҳамонки, М. Ю. Лермонтовнинг асарида умрининг охиригача мусулмон динида қолган Бэланинг образи тасвирланиб, мусулмон динининг ривоятларидан бири ҳақида гап борар экан, таржимон, табиий, диний лексикондаги сўзлардан фойдаланишга ҳақли. «Ўзининг Исо уммати эмаслигига афсус еб, у дунёда руҳим Григорий Александрович руҳи билан

¹ М. Ю. Лермонтов. Бэла. М., 1948. с. 47.

ҳеч вақт топишмайди, жаннатда унинг маҳрами бўлак хотин бўлади деб қайғура бошлади»¹.

А. С. Пушкиннинг «Капитан қизи» повестида бир образ тилидан Швабрин ҳақида гап борар экан, «...Он и в господа бога не верует» деган сўзларга дуч келасиз. Рус тилида инкор формасидаги *не верить* феълига ўзбек тилида айнан шундай инкор маъносидаги бир нечта сўзларни келтириш мумкин: *ишонмайди, иқрор эмас, тан олмайди* ва ҳоказо. Аммо бизда бу сўзнинг инкор маъносидаги, аммо тасдиқ формасида келувчи, айти контекстга жуда мос *мункир* деган синоними ҳам бор: «... У худога ҳам мункир».

Айти бир синоним турли услубий мақсадларда ҳар хил маъно англатиши мумкин. Масалан, ўзбек тилида «боласиз» сўзининг *зурёдсиз, тирноққа зор* каби синонимлари бор. «Бой ила хизматчи» драмасида «ёмон номи етти иқлимга кетган», «чакки босар» Хонзода ҳақида гап борганда «тирноққа зор» дейилар экан, бу Хонзодага нисбатан ҳеч қандай хайрихоҳлик ҳиссини туғдирмайди. Аммо М. Шолоховнинг «Инсон тақдири» асарида мазкур сўзнинг ишлатилиш ҳолати диққатга сазовор.

«Хозяин и хозяйка в аккурат дома били. Вошёл я, моргаю им обими глазами, бодро так говорю: «Вот и нашёл я своего Ванюшку! Принимайте нас, добрые люди!» Они, оба мои бездетные, сразу сообразили, в чём дело, засуетились, забегали»².

«Оشناм ҳам, хотини ҳам уйда экан. Ичкари кирдим-у, уларга кўзимни қисиб қўйиб: «Мана ўғлим Ванюшкани топиб олдим! Қани бизни, кутиб олинглар, яхшилар!» дедим дадил. Уларнинг ўзлари ҳам тирноққа зор эмасми, нима гаплигини дарров пайқашиб, парвона бўлиб қолишди»³.

Ўзининг фарзандсизлигидан куюниб, «Гулбаҳорни боласи билан ўлдирган қотил» Хонзодага нисбатан ҳамда мутлақо бегона Ванюшани ўз болаларидай кутиб, хурсандликларидан териларига сиғмай, «парвона бўлиб

¹ М. Ю. Лермонтов. Бэла. Тошкент, 1951, 53-бет.

² М. Шолохов. Судьба человека. М., 1957, с. 53.

³ М. Шолохов. Инсон тақдири. Тошкент, 1957, 67-бет.

қолишган» оқ кўнгил совет кишиларига нисбатан айна бир *тирноққа зор* ибораси қўлланилган экан, у ҳар икки ҳолатда, икки хил контекст ичида тамомила бошқа-бошқа стилистик мақсадларга хизмат қилиб, гўё бир-биридан фарқ қилувчи иккита бошқа иборадай жаранглайди.

Русча-ўзбекча бир томлик луғатда *бедный* сўзининг: 1. *камбағал, қашишоқ, йўқсил*; 2. *кам, оз, сийқа, арзимас*; 3. *бечора, шўрлик, боёқиш* каби эквивалентлари келтирилган (РЎЛ, 38). Шу луғатнинг масъул муҳаррири Р. Абдурахмонов Н. В. Гоголнинг «Ўлик жонлар» поэмасидаги: «Павел Иванович, успокойтесь... о бедной душе своей помыслите»¹ гапида *бедный* сўзига унинг юқоридаги луғатда берилган биронта эквивалентини раво кўрмай, мутлақо бошқа, *ғариб* сўзи билан беради: «Павел Иванович, ўзингизни босинг... ўз ғариб жонингиз ҳақида фикр қилинг»². Айна контекст ичида таржимон *бечора* (шўрлик, боёқиш) *жон* бирикмасини семантик томондан номақбул ҳисоблаб, луғатда акс этмаган *ғариб* сўзини *жон* сўзига маъно томондан маъқул кўради (*ғариб жон*). Бундан қуйидаги хулосалар келиб чиқади: биринчидан, ҳар қандай мукаммал луғатда ҳам тилда мавжуд барча синоним сўзларни бериб бўлмайди; иккинчидан, таржимоннинг луғат запаси расмий луғатларда мавжуд сўзлардангина иборат эмас. Ҳар бир таржимон луғатдан фойдаланиш билан бирга, таржима жараёнида ўзи луғат ҳам яратади. Агар русча-ўзбекча икки тилли луғатлар стандарт сўзлар асосида эмас, балки жонли таржима амалиёти тажрибалари негизида тузилса, лексикографияда ҳам, таржима амалиёти ва назарияси соҳасида ҳам бағоят улуғ иш қилинган бўлар эди.

А. С. Пушкиннинг «Капитан қизи» повестида ғирт пиёниста ва саводсиз француз мураббийси Бопренинг кайфи тарақ бўлгандаги аҳволи шундай тасвирланган: «Бопре в смятении хотел было привстать, и не мог: несчастный француз был мёртво пьян. Семь бед, один ответ»³.

¹ Н. В. Гоголь. Мёртвые души. М., 1957, с. 51.

² Н. В. Гоголь. Ўлик жонлар. Тошкент, 1959, 442- бет.

³ А. С. Пушкин. Капитанская дочка. Барнаул, 1949, с. 234—235.

«Бопре хаяжон билан турмоқ истаса ҳам, фақат еридан кўзғала олмади. Чунки, бадбахт француз ўлгудай маст эди»¹.

«Бопре гангиб, ўрнидан турмоқчи бўлган эди, тура олмади: бечора француз ўлгундай маст эди. Ўн балога бир даво деганлар»².

Албатта, *несчастный* сўзининг *бахтсиз* деб берилиши табиий нарса. Аммо айти контекст ичида асарнинг биринчи таржимасидаги каби, Бопрега нисбатан *бадбахт* сўзининг қўлланиши услубан ниҳоятда мақбул иш эди. Зотан, Бопре «бахтсиз» эмас, «бадбахт»дир. Шунингдек, Анна Каренина Л. Н. Толстойнинг шу номли романида:— «... Я именно несчастна. Если кто несчастен, так это я»³ дер экан, бу сўзлар ўзбек тилига шундай ўгирилган: «...Ҳа, мен шундай бахти қорамен. Агар дунёда бирон бахти қора, шўрпешона бўлса — ўша мен»⁴. Бу ўринда энди айти ўша *несчастный* сўзини юқоридаги каби, *бадбахт* билан мутлақо бериб бўлмайди, шунингдек, *бахтсиз* сўзи ҳам «камлик қилади». Чунки Анна машъум зодагонлар муҳитида, аёллар ҳуқуқи поймол қилинган бир шароитда шунчаки бахтсиз эмас, балки *бахти қора* ва *шўрпешона* эди. Бу ҳолда ҳам *несчастный* сўзи русча-ўзбекча луғатда *бахтсиз*, *толеи наст* деб берилган ҳолда (РЎЛ, 438), унинг «Капитан қизи» ва «Анна Каренина» асарлари таржималарида учраган *бадбахт*, *бахти қора* ва *шўрпешона* каби синонимлари қайд этилмаган.

Таржимада ёзувчининг услубини акс эттиришда синоним саралашнинг аҳамияти катта. Буни, хусусан, бир асарнинг бир неча таржималарини қиёс қилганда яққол кўриш мумкин.

Н. В. Гоголнинг «Ревизор» комедиясида Андрей Иванович Чмихов дўсти Антон Антонович Сквозник-Дмухановскийга ёзган хатида у ҳоким бўлган шаҳарга яширин ревизор бораётганини шипшитиб ўтгач, «...за тобою, как за всяким, водятся грешки»⁵ деган сўзларни айтади.

¹ А. С. Пушкин. Капитан қизи. Тошкент —" 1933 — Самарқанд, 4-бет.

² А. С. Пушкин. Капитан қизи. Тошкент, 1949, 5- бет.

³ Л. Н. Толстой. Анна Каренина. М., 1956, с. 240.

⁴ Л. Н. Толстой. Анна Каренина. Тошкент, 1960, 259- бет.

⁵ Н. В. Гоголь. Ревизор. М., 1952, с. 8.

Асарнинг бошқа тилларга қилинган кўпгина таржималарида ҳамда Санжар Сиддиқнинг 1934 йилги ўзбекча таржимасида *грешки* сўзи *гуноҳ* деб берилган: «...Мен биларманким, ҳар кимсада бўлгани каби сенда ҳам баъзи гуноҳлар бор...»¹. Чмиховнинг фикрича, бу «гуноҳ» шундан иборатки, ҳоким «эси жойида бўлгани учун», қўлига кирган нарсани қўлдан чиқариб юборишни хушламайди. Демак, гап пора устида боряпти. Аммо пора олишни на ҳокимнинг ўзи ва на унинг атрофидаги кишилар... гуноҳ деб ҳисобламайдилар. Юқорида кўрилганидай, ҳатто Чмиховнинг ўзи ҳам пора олишни ақлли одамнинг иши деб ўйлайди. Шу сабабли ёзувчи Абдулла Қаҳҳор *грешки* сўзини бу ўринда «юмшатиб», *қусур* деб ағдарган. Қиёсланг: «Гуноҳ 1. Шариат қонунига, диний ақидаларга хилоф иш. 2. Одоб-ахлоқ доирасига сиғмайдиган иш, ножўя хатти-ҳаракат; айб». «Гуноҳкор» сўзи талқинида эса, юқоридаги дефинициялардан ташқари, янги қуйидагича сифат орттирилади: «Жиноят қилган, жиноятчи, айбдор» (ЎТИЛ, I, 199). Мана «қусур»нинг изоҳи: «Камчилик, нуқсон, айб, хато. Унинг битта қусури — камбағаллиги. Ойбек. «Қутлуғ қон» (ЎТИЛ, II, 626).

Н. В. Гоголнинг «Иван Иванович билан Иван Никифорович ораларида бўлиб ўтмиш низолар ҳикояти» қиссасидан олинган қуйидаги парча билан унинг икки таржимаси ҳам бу тарафдан диққатга лойиқ: «Весьма рад, что вас вижу,— отвечал судья. — Но все не могу представить себе; что заставило вас предпринять труд и одолжить нас такою приятною нечаянностью»².

«Сизни кўрганимга жуда мамнунман,— деди судья,— лекин ҳанузгача тахаййур ва таажжубдадирманким, оё қандай сабаблар билан жаноблари бу ерларга қадам ранжида қилдилар ва бизларни бу кутилмаган давлатга эриштирдилар»³.

¹ Н. В. Гоголь. Терговчи. Беш пардали театр асари. Тошкент—1934. Самарқанд, 7 — 8- бетлар.

² Н. В. Гоголь. Повесть о том, как поссорились Иван Иванович с Иваном Никифоровичем. М., 1952, с. 62.

³ Гоголь. Иван Иванович билан Иван Никифорович ораларида бўлиб ўтмиш низолар ҳикояти Тошкент, 1936, 33- бет. (Масъул муҳаррир: Эминжон Аббос.)

— «Сизни кўриб жуда хурсанд бўлдим, бизнинг ҳузуримизга тўсатдан келиб қолиб, кўп хурсанд қилдингиз, лекин ўзингизни койитганингиз сабабини билолмасдан ҳайронман»¹.

Бу икки таржимада гарчи айнан бир фикр айтилаётган бўлса-да, аммо бу фикр тамомила бошқа-бошқа услуб билан ифода этилган. Асл нусхада сўзлар биринчи шахс тилидан айтилган, асарнинг 1952 йил таржимасида бу ҳолат сақланган. Аммо илк таржимада эса фикр учинчи шахс тилидан баён қилинган. Таржимон тилимизнинг ажойиб хусусиятидан усталик билан фойдаланган. Чунончи, ўзбек тилида учинчи шахс кўплик формасида мурожаат қилиш сўзловчининг унга ҳаддан ташқари ҳурмат билан қарашини билдиради. Дарҳақиқат, мурожаат этишнинг ана шу баландпарвоз, дабдабадор усули Иван Ивановичга хушомадгўйлик билан тилёғламалик қилаётган суд раисининг нутқиға жуда ҳам ярашган. 1952 йил таржимасида *не могу представить себе сўзлари ҳайронман* деб берилган бўлса, аввалги таржимада бу сўзнинг *тахаййур ва таажжуб* деган бошқа синонимлари истифода этилган эди. Шунингдек, 1952 йил таржимасида *приятная нечаянность* — *келиб қолмоқ*, деб берилган бўлса, дастлабки таржимада *қадам ранжида қилмоқ* деган идиоматик ибора қўлланган эдики, бу ҳам асл нусха мазмунига жуда ёпишиб тушганди.

Демак, синоним ва маънодош сўзлар, таркиблар танлай билиш асарнинг услубини акс эттиришда ғоят катта аҳамиятга эга бўлиб, ёзувчининг сўз бойлиги ва бадий маҳорат қувватини намойиш этувчи асосий омиллардан биридир.

Асарни таржима қилиш — авторнинг ўзига хос услуби, тасвирланаётган воқеанинг хусусияти, образ ёки персонажнинг ёш, жинс, вазифа, ихтисос, малака, миллат, эътиқод ва бошқа белгилари ҳамда асарнинг жанри ва турини ҳисобга олган ҳолда мувофиқ сўз ва ибораларни топиб, ўз ўрнида ишлата билиш демакдир. Н. В. Гоголь қиссасининг икки

¹ Н. В. Гоголь. Иван Иванович билан Иван Никифорович ораларида бўлиб ўтмиш жанжаллар ҳикояти. Тошкент, 1952, 34- бет.

таржимасини қиёслаш дастлабки тажрибанинг луғати ниҳоятда бойлиги, унда асл нусхадаги сўзларнинг маъно нозикликларига айнан мувофиқ тушадиган хилма-хил сўз ва иборалар топиб қўлланилганини яққол кўрсатади.

Тўғри, 1936 йилги таржимада архаик ва тарихий сўзлар, грамматик таркиблар анча сероб. Бу тасодифий эмас. Таржимон асарда тасвирланаётган давр, образ ва персонажларнинг услубий-семантик алфозини ҳисобга олган ҳолда, онгли суратда шундай қилган ва бу билан воқеа помещчиклар Россияси даврида бўлиб ўтганлигини тарихий ва давр колорити яратиш орқали акс эттиришга, ўша «жанжалли воқеалар»нинг фавқулудда ҳажвий-юмористик хусусиятини тўла сақлашга муяссар бўлган. Тарихий мавзуда ёзилган адабий асарларни ҳозирги ўзбек адабий тилига ағдариш унчалик қийин эмас, аммо бунда давр хусусиятини сақлаш, миллий анъаналарни акс эттириш, давр услубини бериш биринчисига нисбатан беқиёс қийин.

Н. В. Гоголнинг «Ўлик жонлар» поэмасига мурожаат қилайлик: «Что ни разворачивал Чичиков книгу, на всякой странице: *проявление, развитие, абстракт, замкнутность* и *сомкнутость*, и чёрт знает, чего там не было. «Это не по мне»,— сказал Чичиков...»¹.

Таржимага мурожаат этишдан олдин юқорида ажратиб кўрсатилган бешта сўзнинг русча-ўзбекча луғатда қандай берилиши билан танишиш зарурати туғилади: «Проявление 1. кўрсатиш, намоён қилиш, юзага чиқариш; 2. кўриниш, намоён бўлиш, юз бериш» (РЎЛ, 679); «развитие 1. тараққиёт, ривожланиш» (РЎЛ, 696); «абстракт абстракт» (РЎЛ, 16); «замкнутность одамларга аралашмаслик, якка ҳолда бекиниб яшашлик, одам ёқмаслик, писмиқлик» (РЎЛ, 219); «сомкнутность узлуксизлик, зичлик, туташлик» (РЎЛ, 814).

Юқоридаги парчанинг таржимаси эса мана бундай кўринишга эга: «Чичиков қайси китобни очса ҳар бир саҳифасида *зуҳурот, тараққиёт, мавҳумот, маҳдудот, силсилот* ва яна аллақандай сўзларни кўрарди.

¹ Н. В. Гоголь. Мёртвые души. М., 1957, с. 446.

«Буларга менинг тишим ўтмайди»,— деди Чичиков...»¹. Бунда луғат билан таржима ўртасида зиддият келиб чиққандай бўлади, айтиб бериш киши сиймосида мужассамлашган таржимон лексикограф (луғатшунос)ни рад этади ва ҳоказо. Аммо бадиий таржиманинг ўзига хос хусусиятинигина эмас, балки умуман тилни билган киши бундай мулоҳаза юритмайди.

Дарҳақиқат, *зухурот, мавҳумот, маҳдудот, силсилот* каби истилоҳлар ҳозир архаиклашиб, тилдан чиқиб кетган. Аммо Чичиков яшаган давр колоритини акс эттиришда бу терминларнинг ишлатилиши табиий бир ҳол бўлиб, у замонларда ҳали бу истилоҳлар эскирмаган эди. Зотан, асарда ҳозирги давр воқеалари эмас, балки Гоголь яшаган ва ундан олдинги тарихий даврларда бўлиб ўтган воқеаларнинг бадиий манзараси яратилган. Бас, таржимон ҳам тарихийлик принципига оғишмай амал қилган.

Иккинчи томондан, русча-ўзбекча луғат, асосан, ҳозирги рус ва ўзбек адабий тиллари материали асосида тузилган бўлиб, унда эскирган жуда кўп сўзлар йўқ ва бўлмаслиги ҳам керак. Аммо, шу билан бирга, бу ҳол ўзбек тилининг тарихий-этимологик ҳамда архаик сўзлар луғати нақадар зарур эканлигини ҳам яққол кўрсатади.

Русча-ўзбекча луғатда *обидеться* сўзининг *хафа бўлмоқ, кўнгли оғримоқ, озор топмоқ, алам қилмоқ, ранжимоқ, ўпкаламоқ, ўпкаланмоқ* каби маънолари бор (РЎЛ, 452). Н. В. Гоголнинг Иван Иванович билан Иван Никифорович жанжали ҳақидаги қиссасида Иван Ивановичнинг ниҳоятда таъби нозик одам эканлиги, ўзи сўз орасида ҳеч қачон беҳуда сўзларни ишлатмаслиги, аммо шу билан бирга, бошқа биров беҳосдан «куфр» сўзларни айтиб юборса ҳам, унинг кўнгли оғриши ҳақида ҳикоя қилинади. Ана шу ўринда автор Иван Ивановичга нисбатан *обидится* сўзини қўллайди. Буни худди шундай контекстда *хафа бўлади* тарзида бериш мазкур сўзни таржима қилмаслик билан барабар. Асарнинг 1952 йилги нашрида шундай қилинган (8). 1936 йил таржимасида эса бу «зоти олий»лари шундай тасвирланган эди: «Иван Иванович жуда таъби нозик одам ва одоб билан

¹ Н. В. Гоголь. Ўлик жонлар. Тошкент, 1959, 387 — 388-бетлар.

гаплашганда оғзидан ҳеч бир беҳуда сўз чиқмайди ва ўзгалар айтганда ҳам дарров хоотири ранжида бўлади» (7). *Обидеться* — *хафа бўлмоқ* сўзининг *хоотири ранжида бўлмоқ* синоними Иван Ивановичдай «табъи нозик» одамга нисбатан жуда ёпишиб тушган.

Фразеологизмлар (мақол, матал, идиомалар) ва афоризмлар таржимаси

Мақол халқнинг панд-насиҳати, маънавий-ахлоқий хулосаси, халқ миллий руҳининг акс-садоси, тил табиатининг ҳикматли мезонидир. Мақол тўқилмайди, балки маълум шароит тақозоси билан яратилади.

Мақол чуқур ижтимоий, ахлоқий, фалсафий-ҳикматона мазмунга эга. Шу сабабли баъзи мақоллар бутун бир роман ёки драманинг мазмунини ўзида ифодалаши мумкин. Чунончи, Н. В. Гогольнинг «Ревизор» комедиясига эпиг- раф қилиб олинган *Башаранг қийшик бўлса, ойнадан ўпкалама* мақоли асарнинг бошидан охиригача жаранглаб туради: шаҳар ҳокими, Хлестаков , Добчинский, Бобчинский ҳамда бошқа образ ва персонажларнинг бутун хатти-ҳаракатлари шу мақолни эслатиб туради.

«Халқ мақоли ҳар бир киши амал қилиши лозим бўлган ўзига хос ахлоқий қоидалар кодексидир»¹. *Ахмоққа жавоб сукут* дейди ўзбеклар, руслар эса *Дурак ворчит, умный молчит*, дейишади. *Нодонга сўзлаган эссиз сўзим, ўликка йиғлаган эссиз кўзим*, деган мақол бор ўзбекларда; руслар ҳам улар билан ҳамфикр: *Дурака учить — что мёртвого лечить*.

Қисқаси, турмушда синалган, маълум эзгу, тугал умумий маъно англатувчи, ихчам жарангдор шаклга кириб қолган халқ ҳикматига мақол дейилади.

Матал эса нарса ва ҳодисаларни образли ифодаловчи, тилда кенг истифода этиладиган нутқий таркибдир. Матал сўзловчининг ўз нутқи мазму- нига муносабатини ифодалайди.

Мақол билан матал ўртасида умумийлик кўзга ташланади. Бу умумийлик шундан иборатки, ҳар иккала категория ҳам (мақол ва матал) нутқни жонлантириш, жозибадор ва образли қилиш, фикрни тайёр нутқ қолиплари, формулалари билан ифодалаш, уни мазмундор қилишда ишлатилади. Лекин шу билан бирга тугал фикрни ўзида ифодалаган

¹ Қаранг: Пословицы и поговорки народов Востока. М.,1961, с. 11.

мақоллардан маталлар жид- дий фарқ қилади. Матал айтилмоқчи бўлган фикр, муддаони бошқа воси- таларни гуё мутасадди қилган ҳолда ифодалайдиган кўчма маъноли нутқий таркиб бўлиб, унда хулоса бўлмайди, балки унинг ўзи бирон хулоса кел- тириб чиқариш учун хизмат қилади. Матал фикрни тугал баён этмай унга ишора қилади.

Идиомани (юнонча *idioma* —«ўзига хос ибора» дегани) таърифлаш эса янада қийинроқ. Буни мазкур тил ҳодисасига берилган таърифларнинг хилма-хиллигидан билса ҳам бўлади. Шундай таърифлардан бир нечтасини келтирамиз:

1) «Идиома... маълум бир тилга хос, унга ўзлашиб кетган ва бошқа тилга сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайдиган нутқ оборотидир»¹.

2) «Маъноси айна ибора таркибидаги сўзларнинг мазмунидан келиб чиқмайдиган иборага идиоматик ибора дейилади»².

3) «Маъноси ўз таркибидаги сўзларнинг маъноларига боғлиқ бўлмаган, яхлит ҳолда бир маъно берувчи, ихчам ибора»(ЎТИЛ, I, 314).

Идиомашунос олим А. Я. Рожанский бундай ибораларнинг уч асосий белгисини ажратиб кўрсатади:

а) бирикманинг барқарорлиги (турғунлиги); б) бирикманинг мажозий маъно бериши; в) бирикманинг семантик бутунлиги.

Мақол, матал ва идиомаларнинг бир-биридан фарқланишини қуйидаги жадвалдан ҳам билиш мумкин.

Мақол	Матал	Идиома
Сўзловчи нодон бўлса, тингловчи доно керак. Бир йигитга етмиш хунар оз. Дўстинг учун заҳар ют	Ўзини ака, эчкисини така демоқ. Бургага аччиқ қилиб, кўрпани куйдирмоқ. Пуч ёнғоқ билан қўйни- ни тўлдирмоқ.	Қўлтиғидан тарвузи тушмоқ. Оёғини қўлига олиб қочмоқ. Онасини учқўрғондан кўрсатмоқ.

¹ Краткий словарь иностранных слов. М., 1950, с. 126.

² А. Кунин. Английские идиоматические выражения. М., 1934.

Фразеологизмлар (мақол, матал ва идиомалар) нинг маъноси контекст ичида очилади. Бинобарин, муайян иборанинг маъносини очиш учун уни контекст ичида олиб қараш лозим. Тўғри, икки ёки бир нечта тилда ҳам шаклан, ҳам мазмунан, ҳам маъновий тарафдан айнан мувофиқ келадиган мутлақ эквивалентлар ҳам топилади.

Масалан: *цыплят по осени считают — жўжани кузда санайдилар; покорную голову меч не сечет — эгилган бошни қилич кесмайди; куй железо пока горячо — темирни қизигида бос* ва ҳоказо. Бироқ, бундай мутлақ эквивалентлар сони кам. Аксарият ҳолларда таржимон ҳар бир мақол, матал ёки идиомага, асарда тасвирланаётган воқеалар мазмуни, объект, миллий муҳит ва услуб хусусиятига кўра, ўз тилидан муқобил ёки монанд бирикмалар топиб қўяди, ёки уларни сўзма-сўз таржима қилади. Шунга кўра, айни бир хил мақол ёки идиомани ҳам бир қанча ўринларда, маънога қараб, ҳар хил ўгириш мумкин. Бинобарин, ҳар қандай ҳоллар учун баб-баравар мувофиқ келадиган тайёр рецепт бериш амри маҳол.

Турли тилларда айни бир хил маънони ифодаловчи мақол, матал ва идиомалар айнан бир хил асосга, айни бир нарсанинг бир қанча жиҳатларига (ёки ҳоссаларига) ё бўлмаса тамомила бошқа объектларга таянган ҳолда яратилган бўлиши мумкин.

Чунончи, немисча *Brennt ihm auf der Zunge*, русча *у него язык чешется*, ўзбекча *тили қичимок* ҳамда *Wer den Brej gekocht hat der mag ihn auch essen* (нем.) - *кто заварил кашу, тот и расхлебывай* (рус.)— *ўзинг пиширган ош, айлан ич, ўргил ич* (ўзб.), *An ejnem Zwins faden* (нем.)— *висеть на волоске* (рус.) - *ҳаёти қил устида турмоқ* (ўзб.) матал ва идиомаларида бирикмаларнинг барча компонентлари бир-бирига мос тушган.

На чужой роток не накинешь платок билан *Эл оғзига элак тутиб бўлмайди* маталларида биринчи таянч компонентлар — *рот*; *оғиз* — мос келгани ҳолда, иккинчи асослар — *платок* (рўмолча): *элак* фарқланади. Яна бир мисол. Немис тилида — *sich etwas hinder die Ohren schreiben*, рус тилида—*зарубить себе на носу*, ўзбек тилида - *қулогига исирга қилиб*

тақмоқ. Немисча ва русча ибораларда бирикма объектлари фарқланади: қулоқ. Ўзбек ва рус тилларида эса улар мос келган: *бурун*.

Идиоматик иборалар ва маталлар таржимасида бирикмалар таркибидаги объектлар (таянч нукталар) айирбошлови масаласига бефарқ қараб бўлмайди. Таржимада мумкин қадар бирикманинг аниқроқ, асл нусха маъносига яқинроқ, контекстга мувофиқроқ вариантини қидириб топишга ҳаракат қилиш лозим. Мабодо ғализ чиқмайдиган бўлса, сўзма-сўз ўгиришга ҳам журъат қилиш мумкин.

М. А. Шолоховнинг «Тинч Дон» романида қуйида келтириладиган икки ўринда айтилган бир матал қўлланилган:

1. - «Да как же, мать ее курица, прибегла и орет: «Ребята, ваши вилами попоролись». А? Это как?»¹.

2. - «Нарубил, дьявол паршивый, на две плетня хватило бы! Ишь джигит нашёлся, мать твоя курица» (85).

Одил Шаропов таржимасида:

1. - «Бўлмаса, ҳалиги шум хотин, оёғи куйган товукдай:

«Болаларинг бир-бирига паншаха санчишди», деб нега бақиради? А! Бу қандоқ гап?»².

2. - «Бекорга чопиб, нобуд қилди, лаънати шайтон, икки четанга етарди-я ! Билдик, роса қиличбоз йигит экансан . Онанг ўлсин сени туғмай» (114).

Мать твоя курица матали биринчи мисолда *Оёғи куйган товукдай* матали билан, иккинчи мисолда эса *Онанг ўлсин сени туғмай* ибораси билан берилган. Ҳар иккала маталда (*Мать твоя курица* , *Оёғи куйган товукдай*) бирикманинг таянч объектлари (*курица-товук*) ажойиб бир тарзда мувофиқ келган. Лекин, афсуски, бу фақат зохирий (ташқи) монандликдир. Чунки таржима вариантыда бошқа нимагадир ўхшатиш аспекти бўлгани ҳолда, асл нусхада бундай аспект ўхшатишдан кўра, фон (орқа сатҳ) бўлиб қолган.

¹ М. Шолохов. Тихий Дон. Кн.первая. М.,1953, с. 74.

² М. Шолохов. Асарлар тўплами, 2-том, Тинч Дон. Биринчи китоб, Т.,1960, 98- бет.

Шундай қилиб, русча идиомани «моддий» таркиби айнан ўхшаш бўлган ўзбекча матал билан таржима қилиш дуруст натижа бермаган. Чунки *Оёғи куйган товукдай* ўхшатиш-ибора русча *Как угорелая кошка* маталига айнан эквивалент бўлади. Бунда гарчи ҳар иккала бирикма бошқа-бошқа объектларга (товук-мушук) асосланган бўлса-да, кўчма маънолари мос келади. *Мать твоя курица* идиомасига эса ўзбекча *Онаси байтал* идиомаси эквивалентдир. Бунда ҳам айнан ўша манзара ҳосил бўлади; гарчи бирикмаларнинг таянч нуқталари (*товук — байтал*) мос бўлмасада, маъно жиҳатдан улар мос. Нихоят, мазкур русча идиомани ўзбекча *Онаси байтал* ибораси моделига мос равишда *Онаси макиён* тарзида сўзма-сўз таржима қилиш ҳам мумкин. (Тахлил этилаётган идиоманинг *Онанг ўлсин сени тузмай* таржима варианты мазкур бирикманинг ўзига сира яқин келмайди, балки умумий контекстуал маънони ғира-шира ифодалайди, холос. Шунинг учун бундай таржимани тўғри деб бўлмайди).

Шундай қилиб, кенг маънода фразеологизмларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилганда ҳар қандай ҳолларда ҳам уларнинг образли тамсилий (таянч) асослари айнан мувофиқ келадиган вариантлар билангина ўгириш маънонинг ўзгаришига, маъновий силжиш ҳодисаси содир бўлишига олиб келиши мумкин. Шу билан бирга, бундай бирикмаларни муқаррар равишда асар таржима қилинаётган тилдаги бошқа узоқ муқобил вариантлар билан алмаштиришга ортиқча ружу қилиш ҳам услубни сийқалаштиришга, таржима тилининг лексик-фразеологик ва образли-услубий жиҳатдан камбағаллашишига олиб келади.

Фразеологик чатишмалар, яъни идиомалар, асосан, бошқа тилда мавжуд шундай муқобил иборалар билан таржима қилинади. Айрим ҳолларда эса, уларни айнан сўзма-сўз ўгириш йўли билан ҳам бирикманинг идиоматик маъно хусусиятини сақлаб қолиш мумкин. Масалан, инжилдан олинган *метать бисер перед свиньями* иборасини сўзма-сўз ўгириб, «чўчка олдида гавҳар ташламоқ» деса бўлади. *Бисер* славян-черков тилида «мунчоқ» дегани. Инжилда: «Фаришталарни итларга бермангиз ва ўз гавҳарларингизни

тўнғизларнинг олдига ташламангиз, токи улар гавҳарларни оёқ ости қилмағайлар ва баъд ўзингизни тилка-пора этмағайлар» (7, 6-матф). Бирок бундай қилишга зарурат йуқ, чунки ўзбек тилида шундай маънони ўзимизда мавжуд *эшакнинг қулогига танбур чертмоқ* идиомаси билан алмаштириш мумкин. Бу иккала бирикмада «чўчка» ўрнида «эшак», «мунчок» ўрнида «танбур» келади. Лекин рус тилига юнончадан кириб келган *птичье молоко* идиомасини ўзбек тилига таржима қилишда ҳар иккала принцип — муқобил вариант билан алмаштириш ва сўзма-сўз ўгириш тадбиридан ҳам фойдаланса бўлади: муқобил ибора — *анқонинг уруғи*, сўзма-сўз таржима — *қуш сути*.

Плясать под чужую дудку иборасининг келиб чиқиш воқеасини эрамиздан олдинги V асрда яшаган юнон тарихчиси Геродот ўзининг «Тарих» номли асарида (биринчи китоб), шундай ҳикоя қилади: форс подшоси Кайхусрав мидияликларни забт қилганидан кейин, илгари ўзига итоат қилдириш учун кўп уринган Кичик Осиёли юнонларга қарши юриш бошлаганида, юнонлар форс ҳукмдори уларнинг бир қанча шартларини қабул қилган тақдирдагина, унга итоат қилишлари мумкинлигини айтадилар. Кайхусрав эса уларга қуйидаги матал билан жавоб қайтарган. Бир найчи денгиздаги балиқларни кўриб, уларни ром қилиш, қуруқликка чорлаш мақсадида най чала бошлаган. Аммо нияти амалга ошмаганини кўриб, у денгизга тўр ташлаган ва кўп балиқ тутган. Тўрдаги балиқларнинг типирчилаётганини кўрган балиқхўр музикачи деган экан:—«Мен най чалган вақтимда-ку қуруқликка чиқиб рақс тушмаган эдингиз, энди ўйинни бас қилинг!

Плясать под чужую дудку бирикмасининг ўзбекча муқобилида *дудка* (карнай) ўрнига *ногора* келади: *бировнинг ногорсига ўйнамоқ*. Бунда сўзма-сўз таржимага ҳеч қандай зарурат қолмайди.

Муайян бир тилдан (айтайлик, юнон тилидан) бошқа бир тилга (олайлик, рус тилига) сўзма-сўз таржима йўли билан қабул қилинган идиомаларни яна бўлак, учинчи бир тилга (масалан, ўзбек тилига) ҳам айнан шундай сўзма-сўз таржима принципи асосида ўгириш шарт эмас. Бошқача

айтганда, муайян икки тил ўртасидаги таржимага асос бўлган принцип ҳамма ҳолларда ҳам учинчи, тўртинчи ва ҳоказо тилларга таржима ишига муқаррар дастур бўла олмайди.

Мақол, матал ва идиомалар таржимасида уч принцип ҳукм суради: 1) асл нусхадаги фразеологизмга таржима тилидан тенг қийматли эквивалент кидириб топиш; 2) асар ўтирилаётган тилдан монанд муқобил вариант топиб қўйиш; 3) фразеологизмни айнан, сўзма-сўз таржима қилиш. Ҳар учала ҳол ҳам учрамаган тақдирда таржимон уларнинг умумий маъносини акс эттириш билан кифояланишга мажбур бўлади.

Ҳар бир афоризм, алоҳида олиб қараганда, ўзича бир тугал асар деган сўз. Улар яланғоч ҳолда эмас, балки кўпинча воқеалар таҳлили замирида, тасвир ичида, муаллиф муддаосининг лўнда ифодаси, қаймоғи, квинт-эссенцияси сифатида, баъзан «ўз-ўзидан», «беҳосдан», «фавқулодда», «қиссадан-ҳисса» тарзида туғилади. Афоризм муқаррар равишда ниманидир тасдиқлаши эмас, балки қатъий рад этиши, қоралаши шубҳа остига олиши ҳам мумкин. Унинг замирида тасдиқ (тасдиқни тасдиқ), инкор (инкорни инкор), ҳукм, муқояса, муболаға, кесатик, пичинг, сифатлаш, ўхшатиш ҳамда бошқа силлогизм ётади. Афоризмга воқеалар хусусиятини лоқайд қайд этиш эмас, балки улар моҳиятини қатъий ҳукм остида, тимсоллар воситасида, кўпинча образлар ва эҳтирос билан ифодалаш хосдир. Ҳикмат муаллиф қалбидан бамисоли лаҳча чўғ бўлиб отилиб чиқади. Афоризмлар мажмуаси тартиб берганда улар ўз манбаларидан ажратиб олингани туфайли, макро-контекст, яъни воқеа-ҳодисалар майдони, замини мавжуд бўлмайди. Мана шу белги ва хусусиятларнинг барчаси уларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилишда жуда жиддий қийинчиликлар туғдиради.

Айтайлик, Владимир Воронцов тўплаган ҳикматлар мажмуаси «Тафаккур гулшани» да 863 муаллифнинг, ўрта ҳисобда, 7 мингдан сал **ортиқроқ** афоризмлари берилган экан, бу — 7 мингта кичик «асар» деган сўз. Бошқача айтганда, бир китобда — минг-минглаб кичик миниатюр-асар жамулжам! Бу жажжи асарлардан ҳар бирини таржима қилишнинг ўз талаби,

шарти, инжиқлиги бор. Бу инжиқлик баъзан шу даражада бўртиб намоён бўладики, бир ҳикматли гапни ўтиргандан кўра, бундайроқ расмана асарни таржима қилиш ҳам ўнғай кўринади. Бас, афоризмлар таржимасини иродали, ўз ишига қасд қилиб киришган, фидойи кишигина уддалаши мумкин.

Асл русча нусхасида Вл. Воронцов мажмуаси «Симфония разума» — «Тафаккур тароналари» деб аталади. Симфония — бу турли овозлар, бўёқларнинг қўшилиб, яхлит бир бутунлик, гармония ҳосил қилиши демакдир. Таржимон рус тилида жуда яхши чиққан номни айнан «Тафаккур симфонияси» тарзида эмас, балки «Тафаккур гулшани» деб ўтирган экан, бунинг сабаби нима? Ахир, «Тафаккур гулшани»ни русча айнан чаппа ўтирилса — бу «Цветник разума» бўладики, рус китобхонининг наздида қандайдир *сийқа* номга айланиб қолади. Ўзбек тилида эса «Тафаккур гулшани» жуда яхши, аслига мос жаранглайди (гулшанда ҳам анвойи гуллар чаппор уриб ўсади). Таржима асл нусхада мўлжалланган рус ўқувчисининг диди ва мантиқи билан эмас, балки ўзбек китобхонининг идроки талаби билан амалга оширилгани айни муддаодир.

Ҳикматлар таржимасида бадий таржимага хос кўпгина аломатлар мавжуддир. Энг муҳим талаб шуки, бу ерда айниқса ҳижжалаб ўтириш иллатидан эҳтиёт бўлиш керак, акс ҳолда бирон чуқур фикр ифодаланган куйма гап оддий, жўн сўзлар тизмасига айланиб, мантиқий жозиба, кўзни қувонтириб, дилни ёриштирадиган лукма ўрнига қандайдир англашилмовчилик, дудмоллик, чучмаллик, мантиқий чалкашлик — алогизм пайдо бўлади. Ҳижжали таржима афоризмнинг бош кўшандаси ҳисобланади.

М. А. Шолохов қаламига мансуб мана бу гапни сўзма-сўз ағдариб кўринг: «Это святая обязанность — любить страну, которая вспоила и вскормила нас, как родная мать»⁽¹⁰⁾ — «ўз тукқан онамиздай, бизни едириб-ичирган мамлакатни севиш — бу муқаддас бурчдир». Энди Шарифа Абдураззоқова таржимаси билан танишинг: «Бизни она янглиғ оқ ювиб, оқ тараган ватанни севмоқ, бу муқаддас бурчдир». Мақсад ўша-ўша, ифода тарзи эса тамом бошқача. Таржимон асл нусха сўзларидан қанчалик

узоқлашган бўлса, авторга, мазмунга, фикрга шунчалик яқинлашган. Жажжи афоризмнинг бу қадар оддий, таъсирчан чиққанлиги, эҳтимол, мазкур таржима зуваласи самимият, оналик меҳр-муҳаббати билан йўғрилганлигидандир? Бу ўринда М. Шолохов фикрининг табиий, теран ифодалангани сирини... баайни француз материалист-файласуфи Клод Андриан Гельвеций тушунтиргандай бўлади: «Хайратланиш учун бир минут вақт кифоя, бирор хайратомуз нарса яратиш учун эса қанчадан-қанча йиллар керак» (278).

«Превосходная должность быть на земле человеком»(44) жумласи айнан «Ер юзида инсон бўлиш ажойиб вазифадир» дегани. Бироқ бундай «тўғри» таржимада сеҳр, таъсир у ёқда турсин, тузукроқ маъно ҳам йўқ. Таржимон яна хайратомуз тадбир қўллайди: «Рўйи заминда инсон бўлмоқ ажойиб рутбадир». Тамомила ўзга манзара! М. Горький, дарҳақиқат, шундай демоқчи эди. Бундай ўринларда чуқур мазмунли митти асарлар жонон пиёладай тиниқ жаранглайди, улар вужуди ўзбек тилида яратилгандай, сўнгра бошқа тилларга кўчиб, таржима туфайли яна ўз манбаига, асл ҳолатига қайтгандай таассурот туғилади.

Таржималарнинг эса қоларли, ёрқин, қуйма ҳикмат бўлиб чиққанлиги сири шундаки: ботиний мазмун гўзаллиги билан зоҳирий шаклий-лисоний либоснинг бир-бирига мос келишига алоҳида диққат қилинган. Натижада баъзан жанр талаби, жозибадорлик, мантикий изчиллик нуқтаи назаридан ҳатто русча асл нусхаларидан ҳам хийла пухтароқ бўлиб чиққан таржималар учрайди.

Ҳикматли сўзлар таржимасида бош мезон шакл гўзаллиги билан бирга, даставвал маънони рўёбга чиқаришдан иборат. Акс ҳолда ҳикмат ва каромат ғойиб бўлиб, мантикий чалкашлик пайдо бўлади.

«Человек должен быть другом людей,— он обязан им всем, что есть у него и в нём» (38) — «Киши одамларнинг дўсти бўлмоғи керак,— ўзида ва уларда мавжуд фазилатларнинг бари учун у одамлардан қарздордир»(42). Горькийдан келтирилган бу гап таржимасини дуруст деб бўлмайди: «что есть

у него и в нем» - «ўзида ва уларда мавжуд фазилятлар» эмас. Шунингдек, немис ёзувчиси ва олими Георг Кристоф Лихтенберг номидан берилган мана бу сўзларда ҳам – «рўйи заминда биз учун энг мароқлиси – инсон чехрасидир»(61) - ҳеч қандай қароматдан асар йўқ. Русчада қуйидагича: «Самая занимательная для нас поверхность на земле – это человеческое лицо». Бу бошқа гап. Ундаги «поверхность» сўзини – «юза», «лицо»ни эса «юз» деб олган ҳолда дадилроқ ўтирилса ҳам бўларди: «Ер юзидаги қабарик юзалар орасида энг ажойиб – ғаройиби инсон юзидир».

Владимир Воронцовнинг «Тафаккур гулшани»да турли замонларда яшаган давлат бошлиғи, адиб, мутафаккир, саркарда, нотик, табиб, публицист, жамоат арбоби – жаҳон халқлари донишмандларининг ҳикматли сўзлари жамланган. Бу ерда Арастудан Абу Али Ибн Синогача, Убайд Зоконийдан Дени Дидрогача; Зебуннисодан Робиндранат Тагоргача, Жалолиддин Румийдан Алишер Навоийгача, Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан адмирал Нахимовгача, Шамсуддин Ҳофиз Шерозийдан Иоганн Вольфганг Гётегача, Сукротдан Ойбеккача буюк ақл эгаларининг ибратли сўзлари ўз аксини топган.

Инглиз санъат назариётчиси, публицист - Жон Рескинда шундай гап бор: «Ҳар бир субҳи тонгни ўз ҳаётинг ибтидоси деб бил ва қуёшнинг ҳар бир ботишини ўз ҳаётинг интиҳоси деб тушун. Шу кундалик қисқа ҳаётинг қандайдир хайрли иш билан, ўз устингдан бирон бир ғалаба қозонишинг ёки ниманидир ўрганишинг билан нишонлансин» (70).

Инсонни эзгуликка, билимга, нурга даъват этувчи самимий, маъсум тилак! Бунинг исботи, намунаси ёки бўлмаса «татбиқи»ни қаердан топиш мумкин? Буюк донишмандлар томонидан айтилган бундай фикрларнинг нақадар ҳаққонийлигини бошқа буюк мутафаккирларнинг ҳаёти, фаолияти, тажрибаси, ибрати мисолида амалда кўриш исбот ва тасдиқнинг мақбул дояси бўла олади. Қуйида ана шундай далиллардан иккитаси келтирилади.

Ўз замонасининг йирик олимларидан Вал-Валажи оғир хасталик тўшагида ётган Абу Райҳон Берунийни зиёрат қилгани борганида, буюк

алломани ғоят танг аҳволда топади. Абу Райҳон кўзини хиёл очиб, мавлоно Вал-Валажини танийди ва... «У кунги масалани такрорла» деб ишора қилади.

— Ҳозир масаланинг мавридими?—хижолат чекиб эътироз билдиради Вал-Валажи.

— Нечук мавриди бўлмасин,— жавоб қилади Абу Райҳон.— Қандай ўйлайсан: мен шу масаланинг жавобини билган ҳолда ёруғ дунё билан видолашганим яхшими ёки ундан ғофил қолиб кетганим маъкулми?

— Ноилож масалани бошладим,— хикоя қилади Вал-Валажи.— Лекин карасам, у буткул ҳолдан тоя бошлади. Секин оёқ учида юриб, орқам билан унсиз ва шарпасиз остона томон равона бўлдим... Дарвозадан чикиб улгурмаган ҳам эдимки, уйдан чуввос йиғи овози эшитилди.

Бошқа кўп олимлар, инсониятнинг буюк даҳолари ҳам иш устида туриб жон таслим қилганлари маълум. Булар барчаси улуғ инсонларнинг, ҳатто энг мушкул дамларда ҳам, ўз вақтларини қизғанганлари, уни нақадар тежаганларига жонли исботдир.

Австрия ёзувчиси Стефан Цвейг шундай дейди: «Ҳеч қайси табиб толиққан вужуд ва азоб чеккан қалб учун умидчалик дорини топиб беролмайди» (94). Энди табибларнинг табиби, буюк аллома Абу Али ибн Синодан эшитайлик:

Шул ҳоки сиёҳдин то авжи Зуҳал,

Ҳар нечаки мушкулот эрур, этдим ҳал.

Ечдим неча занжир-занжири макру ҳиял,

Ечдим неча бир тугун, фақат қолди ажал...¹

Бутун умрини ажалга қарши юзма-юз туриб курашишга бағишлаган Ибн Сино дардни даволашга киришар экан, дардмандга мурожаат қилган:

— Сен менга ишонишинг, ихлос қилишинг керак. Шунда биз: сену мен икки киши бўламиз, дард яккаланиб, таслим бўлади. Мабодо менга ихлос қўймасанг: мен яккаланиб қоламан, дард эса кучайиб, баттар хуруж қилади...

¹ Абу Али ибн Сино. Шеърят. Масъул муҳаррир Жамол Камол. Тўпловчи А.Ирисов. Т., 1980, 7-бет.

«Тафаккур гулшани»да фазлу дониш эгаларини ҳамма замонларда банд этиб келган муаммолар, дорул фанодан то дорул бақога, курраи заминдан то хонаи хуршидгача, шамсул фазодан то майда заррагача инқироз, турғунлик ва тараққиёт, ўтмиш, ҳозирги замон ва келажак, туғилиш, гўдаклик, кексалик, барҳам топиш сингари минглаб масалалар умуминсоний ахлоқ кодекси нуқтаи назаридан ёритилган.

Вл. Воронцов тартиб берган донишномада турли замонларда — эрамиздан олдинги даврлардан бошлаб то ҳозирги кунларгача дунёнинг ҳамма бурчакларида яшаган ақл эгалари бирлашганлар. «Агар буғ ва темир йўл масофаларнинг узоқлигини йўқотган бўлса, китоб нашри замон ҳадларига барҳам берди,—деб ёзади француз шоири ва публицисти Альфонс Ламартин,— китоб шарофати билан биз ҳаммамиз — замондошмиз. Мен Гомер ва Цицерон билан суҳбат курсам, келажакнинг Гомер ва Цицеронлари эса биз билан гаплашадилар» (238). Бу ажойиб сўзлар «Тафаккур гулшани»га бевосита алоқадордир. Унда ўтмиш ва ҳозирги замон мутафаккирлари гўё ўзаро ва айнаи вақтда биз билан юзма-юз туриб суҳбатлашадилар. Бундай ворисийлик келажак сарҳадларига ҳам уланиб кетгандай бўлади.

Шу тариқа, мутолаа жараёнида фақат бир ёқлама эмас, балки жуда кўп томонлама, мураккаб учрашувлар, дийдор кўришувлар содир бўлади: турли даврлар ва турфа касблардаги донишмандларнинг фикрлари гоҳо бир жойдан чиқса, баъзан айнаи бир нарса ёки ҳодисанинг турли томонларига дахлдор бўлиб чиқади. Улар замонлар, манзиллар, тиллар оша бурунги замондошларимиз истиқболига таъриф буюрадилар. Яна бошқа, фавқулодда ғаройиб аспект ҳам бор. Фақат бизнинг замондошларимизгина ўз ўтмишдошлари билан эмас, балки улар ҳам, ўз навбатида, ўзларининг ворислари — узоқ ва яқин авлодлари билан юзма-юз келгандай бўлади.

LITERATURE

I. Ўзбек ва рус тилларида

1. Каримов И.А. Юсак маънавият-енгилмас куч –Т.: Маънавият, 2008. -171
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январдаги бўлиб ўтган кўшма мажлисидаги “Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқоролик жамияти барпо этиш устивор мақсадимиздир”
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январдаги бўлиб ўтган мажлисидаги “Асосий мақсадимиз Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” номли маърузалари
4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. 1997 й. 29 август. Олий таълим меъёрий ҳужжатлар тўплами. Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. – Т., 2001. – Б. 3-15.
5. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги қонуни. 1997 й. 29 август. Олий таълим меъёрий ҳужжатлар тўплами. Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. Т., 2001. – Б. 17-52.
6. Абрамова Г.С. Практическая психология: Учебник для студентов вузов. Изд. 8-е перераб. и доп. –М.: Академический проект, 2003. – 496 с.
7. Алхазизвили А.А. Основы владения устной иностранной речью. –М.: Просвещение, 1988. –128 с.
8. Андреевская-Левенстерн Л.С. Методика преподавания французского языка в средней школе: Учебное пособие. –М.: Просвещение, 1973. –222 с.
9. Бархударов Л.С. Язык и перевод. –М., 1972. –310 с.
10. Барышникова Н.В. Методика обучения второму иностранному языку в школе: Учебное пособие. – М.: Просвещение, 2003. –159 с.
11. Бим И.Л. Методика обучения иностранному языку в школе: Учебное пособие. –М.: Просвещение, 2003. –159 с.

12. Габай Т.В. Педагогическая психология: Педагогика и психология: Учебное пособие. – М.: Гардарики, 2003. – 480 с.
13. Грамкова М.Т. Психология и педагогика профессиональной деятельности: Учебное пособие для вузов.–М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2003.– 415 с.
14. Григорович Л.А., Марцинковская Т.Д. Педагогика и психология: Учебное пособие. –М.: Гардарики, 2003. – 480 с.
15. Демьяненко М.Я., Лазаренко К.А., Кислая С.В. Основы общей методики обучения иностранным языкам: Теоретический курс // Под ред. М.Я. Демьяненко. – Киев: Вища школа, 1976. –282 с.
16. Джалалов Д. Д. Проблемы содержания обучения иностранному языку.– Т.: Фан, 1987. –110 с.
17. Жалолов Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. –Т.: Ўқитувчи, 1996. –368 б.
18. Зарипова Р.А. Чет тиллар ўқитиш методикасидан қўлланма. –Т.: Ўқитувчи, 1986. –184 б.
19. Зимняя И.А. Психология обучения иностранным в школе. –М.: Просвещение, 1991. –222 с.
20. Ляховицкий М.В. Методика преподавания иностранных языков: Учебное пособие. –М.: Высшая школа, 1981. –159 с.
21. Методика обучения иностранным языкам в средней школе: Учебник / Н.И.Гез, М.В. Ляховицкий, А.А. Миролюбов, С.К.Фоломкина, С.Ф. Шатилов. –М.: Высшая школа, 1982. –373 с.
22. Методика преподавания немецкого языка в педагогическом вузе: Из опыта работы // А.И. Домашнев, К.Г. Вазбуцкая, Н.Н. Зыкова, С.Ф. Шатилов и др. –М.: Просвещение, 1983. –224 с.
23. Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. –Т.: Фан, 2005. – 352 б.
24. Обучение иностранному языку как специальности: Учебное пособие / М.К. Бородусулина, А.Л. Карлин, А.С. Лурье, А.М. Минина. –2-е изд. испр. –М.: Высшая школа, 1982. –224 с.

25. Общая методика преподавания иностранных языков в средних специальных учебных заведениях: Учебно-метод. пособие / Под. ред. А.А. Миролубова и А.В.Парахиной. – 2- изд. испр. – М.: Высшая школа, 1984. – 240 с.
26. Рогова Г.В., Верещагина И.А. Методика обучения английскому языку на начальном этапе в средней школе: Пособие для учителя. – М.: Просвещение, 1988. – 224 с.
27. Саломов Ғ. Таржима назарияси асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – 232 б.
28. Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1983. – 192 б.
29. Сатторов Т.Қ. Бўлажак чет тили ўқитувчисининг услубий омилкорлигини шакллантириш технологияси (инглиз тили материалида). – Т.: ТДЮИ, 2003. – 192 б.
30. Теоретические основы методики обучения иностранным языкам в средней школе / Под ред. А.Д. Климентенко, А.А. Миролубова. – М.: Педагогика, 1981. – 456 с.
31. Фоломкина С.К. Обучение чтению на иностранном языке в неязыковом вузе. – М.: Высшая школа, 1987. – 207 с.
32. Шатилов С.Ф. Методика обучения немецкому языку в средней школе: Учебное пособие. – Л.: Просвещение, 1977. – 295 с.
33. Щерба Л.В. Преподавание иностранных языков в средней школе. Общие вопросы методики / Под ред. И.В. Рахманова. – 2-е изд. – М.: Высшая школа, 1974. – 112 с.
34. Ҳошимов Ў.Ҳ., Ёкубов И.Я. Инглиз тили ўқитиш методикаси. – Т.: Шарқ, 2003. – 302 б.

II. Инглиз тилида

34. Adams V. S., Zimmer B. E. Understanding Psychology. – New York: McGraw-Hill Inc., 1990. – 296 p.
35. Anderson Th., Forrester K. Reading then Writing: From Source to Essay. – New York: McGraw-Hill Inc., 1992. – 523 p.

36. Arends R. I. Learning to Teach. –New York: McGraw-Hill Inc., 1994. – 549 p.
37. Bellack A. A. The Language of the Classroom. –New York: Teachers College Press, 1996. –274 p.
38. Brumft C. Communicative Methodology in Language Teaching. – Cambridge University Press, 1992. –166 p.
39. Byrne D. Classroom Observation Tasks. – Cambridge University Press, 1992. – 120 p.
40. Celce-Murcia, M. (Ed.) Teaching English as a Second or Foreign language.– Massachusetts: Heinle Publishers, 1991. –270 p.
41. Clause B.F. Trastitions: from Reading to Writing. –New York: McGraw-Hill Inc., 1994. –461 p.
42. Conley M.W. Content Reading Instruction: A communication approach. –New York: McGraw-Hill Inc., 1992. –416 p.
43. Cortina J., Elder J., Connet K. Opening Doors: Understanding College Reading. –New York: McGraw-Hill Inc., 1995. –565 p.
44. Delahunty G., James C. Language, Grammar and Communication: A course for teachers of English. –New York: McGraw-Hill Inc., 1994.–442 p.
45. Duffy G.G. Improving Classroom Reading Instruction: a discussion. making approach. –Boston., 1992. –512 p.

III. Интернет материаллари

46. <http://disser.biz/13000804.htm>.
47. <http://dissershop.com/diplom/metodica-obuchenija-i...>
48. http://festival.1september.ru/2005_2006/index.php?...
49. <http://method.novgorod.rcde.ru/getblob.asp?id=5000...>
50. <http://rspu.edu.ru/university/chair/eng.html>.
51. <http://teacher.fio.ru/news.php?n=27&c=79>.